БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

42-йил чиқиши
№ 41 (11.487).

18 февраль, пайшанба, 1960 йил.

Баҳоси 20 тийин.

1959 ЙИЛДА РЕСПУБЛИКАДА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯКУНЛАРИ ВА 1960 ЙИЛДА ОЛИНГАН МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюроси 1959 йилда чорвачиликни ривожлантириш якунларини кўриб чиқиб, республикадаги кўпгина районлар, колхозлар ва совхозлар чорвачилигининг озуқа базасини мустаҳкамлаш ва моллар маҳсулдорлигини ошириш натижасида гўшт, сут, тухум, жун, қоракўл тери етиштиришни анча кўпайтиришга, барча турдаги моллар ва паррандалар сонини янада ўстиришга, шунингдек чорвачилик маҳсулотларининг барча турлари юзасидан ана шу маҳсулотларни давлатга топшириш ва сотиш йиллик планларини муддатидан илгари бажаришга эришганликларини қайд қилди. Колхоз ва совхоз чорвачилигининг юзлаб ва минглаб илғорлари фермаларда прогрессив иш усулларини жорий қилиб, молларни урчитиб кўпайтиришда, уларнинг наслини яхшилаш ва маҳсулдорлигини оширишда, етиштириладиган маҳсулот таннархини камайтиришда яхши натижаларга эришдилар ҳамда чорвачиликни ривожлантириш юзасидан етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун янги социалистик мажбуриятлар олдилар.

Лекин республикадаги кўпчилик колхоз ва совхозларда чорвачилик қишлоқ хўжалигининг ҳамон энг қолоқ тармоғи бўлиб қолмоқда. Республика Қишлоқ хўжалик министрлиги, кўпгина область, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ҳамда колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари чорвачиликни ривожлантириш билан чинакам шуғулланмадилар ва 1959 йилда озуқа базасини мустаҳкамлаш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва моллар туёғини кўпайтириш учун мавжуд катта имкониятлардан тўла фойдаланмадилар. Шунинг натижасида Республика областларидан бирортаси ҳам 1959 йилда гўшт, жун, тухум етиштириш юзасидан олган мажбуриятини бажармади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюроси гўшт етиштиришда юз берган бундай қолоқлик Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, кўпгина область ва район партия комитетлари. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари томонидан молларни боқиб семиртиришни ва ўтлатиб боқишни ташкил этишга етарли баҳо бермаганлигининг тўғридан-тўғри оқибатидир деб ҳисоблайди. Кўпгина хўжаликлар ориқ ва тирик вазни енгил бўлган молларни кўплаб давлатга топширмоқдалар ҳамда сотмоқдалар.

Сурхондарё область колхозларида давлатга сотилган ҳар бир қора молнинг ўртача вазни бори-йўғи 183 килограммни, Самарқанд областида—188, Бухоро областида — 195, Хоразм областида—196 килограммни, Андижон область колхозларида топширилган ҳар бир чўчқанинг тирик вазни 75 килограммни, Хоразм областида 70 килограммни, Самарқанд область колхозлари бўйича топширилган қоракўл қўйларидан ҳар бирининг вазни 35 килограммни, Хоразм областида 31 килограммни, Фарғона область колхозларида эса, топширилган қўйлардан ҳар бирининг тирик вазни 35, совхозларда 33 килограммни ташкил этди.

Ўтган йили республикада сигирлар сони 16 процент кўпайди. Лекин подадаги сигирлар салмоғи атиги 29,5 процентни ташкил этади. Подада сигирлар салмоғи камлигига сабаб шуки, сигирлар кўплаб сўйиб юборилмоқда ва нобуд қилинаётир ҳамда қари сигирларнинг ўрнини тўлдириш учун ғунажинлар етиштиришга тегишли эътибор берилмаётир.

Сигирларнинг кўплаб қисир қолиши ва тез-тез алмаштириб турилиши оқибатида Фарғона, Хоразм, Сурхондарё областларида ва Қорақалпоғистон АССР да ҳар юз бош сигирдан бори-йўғи 60—69 тадан бузоқ олинди. Самарқанд область колхоз ва совхозларида эса ҳар юз совлиқдан фақат 58 тадан бўзи, Хоразм ва Бухоро областларида ҳар бир она чўчқадан фақат 9 тадан бола олинди.

Республика колхоз ва совхозларидаги молларни урчитиб кўпайтириш даражаси паст бўлганлигидан 1959 йилда 40 мингга яқин бузоқ, юз мингдан ортиқроқ чўчқа боласи ва 210 минг қўзи ҳамда улоқ кам олинди. Бунинг устига кўпгина колхоз ва совхозларда ёш молларнинг шунингдек катта молларнинг кўплаб нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюроси Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, кўпгина область ва район партия комитетлари, область ва район ижроия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари бу йилги чорва қишловини хаддан ташқари қониқарсиз ўтказаётганликларини қайд қилиб ўтди. Декабрь ва январь ойларида молларнинг кўплаб нобуд бўлишига йўл қўйилди. Ҳозир эса 136 минг бошдан кўпроқ қорамол ва 1022 минг бош қўй ва қўзи ўртадан паст семизликдадир.

Республика колхоз ва совхозлари ўтган йили 238 минг гектардан кўпроқ майдонга маккажўхори ва сўжўхори экиб, ҳосилдорликни қарийб икки баравар оширдилар, чорвачиликнинг озуқа базаси бир мунча яхшиланди. Лекин озуқа базаси ҳамон чорва моллар сонининг ўсишидан кейинда қолмоқда ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш имкониятини бермаётир.

1959 йилда республикада донғлор механизаторлардан Мануковский ва Гиталовларнинг чақириғи бўйича биринчи марта маккажўхорикорн комплекс механизация бригадалари тузилди. Лекин барча колхоз ва совхозларда ҳам бундай бригадалар мавжуд эмас. Ихтисослаштирилган ем-ҳашак бригадаларининг йўқлиги маккажўхори, оқжўхори ва озуқа бўладиган бошқа экинлар ҳосилдорлиги пастлигининг асосий сабабларидан биридир. Ваҳоланки, А. Муминов, М. Жуманазаров ва шу сингари бошқа маккажўхорикорлар бир йилда маккажўхоридан икки марта ҳосил олиб. ҳар гектар ердан 1500 центнердан кўпроқ етиштирдилар. Уларнинг тажрибаси ем-ҳашак етиштиришни кескин даражада кўпайтириш учун колхоз ва совхозларда чегараланмаган имкониятлар борлигини кўрсатади.

Катта майдонлардаги бедапоялар пландан ташқари бузиб юборилиши ва беда экиш планининг бажарилмаслиги, шунингдек бедадан кам ҳосил олиниши натижасида жуда кўп миқдорда қимматли ҳашак олинмай қолди. Бедани тўрт-беш марта ўриб олганда гектаридан 80—90 центнердан ҳашак олиш мумкин эди. Лекин кўпгина колхоз ва совхозларда беда бори-йўғи икки-уч марта ўрилди. Самарқанд область колхозларида гектаридан фақат 44 центнердан, Фарғона область колхозларида 45 центнердан, Тошкент область колхозларида эса 51 центнердан, республика совхозларида эса гектаридан 30 центнердан беда ҳашаги олинди.

Кўпгина колхоз ва совхозлар маҳсулдор молларни ва ёш молларни узлуксиз кўкат ва ширали озуқа билан таъминлашга етарли эътибор қилмаётирлар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Паррандачиликни, чўчқачиликни ва қуёнчиликни ривожлантириш чоралари тўғрисида» деб чиқарган қарорининг бажарилиши таъминланмади. Шунинг натижасида колхоз ва совхозларда планда кўзда тутилган 27,9 минг тонна ўрнига фақат 12,1 минг тонна чўчқа гўшти етиштирилди, паррандачилик ва қуёнчилик тегишли даражада ривожланмади.

Республика қишлоқ хўжалик министрлиги, кўпгина область ва район партия комитетлари, область ва район ижроия комитетлари, бир қанча колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари Ўзбекистон КП Марказий Комитети XIII Пленуми томонидан аҳолидан мол сотиб олиш юзасидан берилган топшириқнинг бажарилишини таъминламадилар ва аҳолининг қўлидаги моллар сонини тартибга солиш учун етарли чора кўрмадилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюроси чорвачиликда наслчилик ишини яхшилашга ҳамон кам эътибор берилаётганлигини, молларни сунъий йўл билан қочириш ҳалдан ташқари кам жорий қилинаётганлигини алоҳида қайд қилиб ўтди. 1959 йилда Бухоро ва Хоразм областларида қорамолларни сунъий қочириш юзасидан берилган топшириқ 51 процент, Андижон область колхозларида эса 40 процент ва Қорақалпоғистон АССРда 32 процент бажарилди, холос. Қоракўл, Қизилтепа ва Навоий районларида сигирларни сунъий усулда қочириш мутлақо қўлланилмади.

Кейинги йилларда қоракўлчиликда наслчилик ишларига эътибор берилмаслиги натижасида республикадаги кўпгина хўжаликларда биринчи сорт қоракўл тери олиш камайиб кетди. Бу эса колхоз ва совхозларнинг қорақўлчиликдан оладиган даромадларининг камайишига сабаб бўлди. Хоразм область колхозларида фақат 48,1 процент, Қорақалпоғистон АССР колхозларида 43,9 процент ва совхозларида эса 28,6 процент биринчи сорт қоракўл тери олинди.

Кўпгина колхоз ва совхозларда моллар учун бино қуриш етарли кучайтирилмаган, фермаларда кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаш кўнгилдагидек эмас, қўл меҳнати хаддан ташқари кўп сарф қилинаётир. Бу эса етиштириладиган маҳсулотнинг қимматга тушишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги фермаларда ветеринария-санитария аҳволини тартибга солиш ва молларда учрайдиган бир қанча юқумли касалликларни йўқотиш учун етарли чораларни кўрмади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюроси Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, кўпгина область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети чорвадор кадрлар ўртасида етарли иш олиб бормаётганликларини, фермаларга комсомол ва ёшлар кам юборилаётганлигини, чорвадорлар ўртасида социалистик мусобақа кучайтирилмаганлигини ва мусобақа натижаларини ўз вақтида якунланиб турилмаслигини алоҳида қайд қилиб ўтди.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми томонидан 1960 йилда чорвачиликни ривожлантириш юзасидан қўйилган вазифаларни бажариш ва етти йиллик топшириғини муддатидан илгари бажариш мақсадларида Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюроси қарор қилди:

1. Областларнинг ва Қорақалпоғистон АССРнинг таклифлари қабул қилинсин ҳамда колхозлар ва совхозлар 1960 йилга олган мажбуриятлари тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг (ўртоқ Хоназаров) эътибори чорвачиликни ривожлантиришга ва гўшт, сут ҳамда бошқа маҳсулотларни кўпайтиришга раҳбарлик даражаси хаддан ташқари пастлигига, хусусан молларни урчитиб кўпайтиришни таъминлаш юзасидан олиб бориладиган ишлар бўшлигига; чорвачиликда наслчилик иши ҳаддан ташқари қониқарсиз олиб борилаётганлигига, шунингдек колхоз ва совхоз фермаларида прогрессив усуллар ниҳоятда бўш жорий қилинаётганлигига жалб қилинсин.

3. Область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари зиммасига ўн кунлик муддат ичида 1959 йилда чорвачиликни ривожлантириш якунларини ҳар бир район бўйича, районларда ҳар бир колхоз ва совхоз бўйича кўриб чиқиш ҳамда олинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган амалий чораларни ишлаб чиқиш вазифаси юклансин.

4. Колхоз ва совхозлар томонидан гўшт етиштиришни бир йилда икки баравар кўпайтириш билан барча моллар сонини ўстириш, сут етиштиришни 1,3 баравар кўпайтириш, шунингдек бир йилда икки йиллик планга тенг гўшт ва бир ярим йиллик планга тенг сут сотиш юзасидан олинган мажбуриятларга биноан Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юклансин:

а) молларнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик ва олинган барча ёш молларни сақлаб қолиш;

б) подада урғочи моллар сонини кўпайтириш, сигирлар салмоғини камида 40 процентга, қоракўл совлиқлар салмоғини 70—72 процентга, бошқа турдаги совлиқлар салмоғини 55—60 процентга етказиш, шунингдек ҳар бир асосий она чўчқа ҳисобига камида 3—4 тадан бир марта бола олинадиган ургочи чўчқа бўлишига эришиш;

в) Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Чорвачиликда наслчилик ишини яхшилашнинг қўшимча чоралари тўғрисида» деб чиқарган қарорининг бажарилишига эришиш, ургочи молларнинг қисир қолишини туғатиш, сигир, совлиқ ва эчкиларни сунъий йўл билан қочиришни кенг жорий қилиш;

г) молларни ўтлатиб боқишни ва бўрдоқига боқишни ҳамда боқувдан чиқаришни бутун йил мобайнида ҳар ойлик планга биноан планли ташкил этилишини таъминлаш. Колхозлараро, совхозлараро, колхоз, совхоз ва давлат бўрдоқи пунктлари тармоғини кенгайтириш, молларни кўплаб ўтлатиб боқиш учун кўклам — ёз фаслидан кенг фойдаланиш.

5. Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюроси область ва район партия комитетларига ҳар бир колхоз ва совхознинг гўшт, сут, тухум ва жун топшириш ҳамда сотиш юзасидан олган мажбуриятларининг бажарилишини мунтазам равишда назорат қилиб туриш вазифасини юклади.

6. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари зиммасига озуқа бўладиган экинларни парвариш қилишга бўлган ўз муносабатларини тубдан ўзгартириш ҳамда чорвачиликнинг концентрат, ширали ва дағал ҳашакка бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини тўла қондириш, бунинг учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш вазифаси юклансин:

а) маккажўхори, оқжўхори, беда ва бошқа ем-ҳашак бўладиган экинлар ҳосилдорлиги оширилсин, маккажўхори ва оқжўхори экиш учун ва такрор экиш учун йирик, яхлит участкалар ажратилиши планлаштирилсин;

б) маккажўхори ва оқжўхорининг фақат квадрат-уялаб экилиши, ўз вақтида ва юқори сифатли парвариш қилиш, ўз вақтида ва юқори сифатли озиқлантириш ҳамда чанқатиб қўймасдан вақтида сугориб туриш таъминлансин. Ҳар бир колхоз ва совхозда маккажўхори етиштирадиган ихтисослаштирилган комплекс механизация бригадаси тузилсин;

в) бедачилик хўжалигига раҳбарлик қилишдаги хатолар тугатилсин, беда экиш плани бажарилсин, беда парвариши яхшиланиб ва бедани мавсумда 4 — 5 марта ўриб олиш ҳисобига ҳосил кўпайтирилсин. Бедапояларни пландан ташқари бузиб юборишга йўл қўйилмасин;

г) барча хўжаликларда молларни айниқса чўчқаларни ва ёш молларни боқиш учун витаминли ҳашак уни тайёрлаш ташкил қилинсин;

д) концентрат озуқа етиштиришни кўпайтириш мақсадида дон учун маккажўхори экилсин, далмикор ерларда арпа асосан ем учун экилсин. Маккажўхори сўтасидан думбуллигида силос бостириш ташкил қилинсин.

9. Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюроси етти йилликнинг иккинчи йили — 1960 йилда чорвачиликни ривожлантириш юзасидан олинган катта ва масъулиятли вазифаларнинг бажарилиши чорвадорлар ўртасида оммавий-ташкилий ва сиёсий-тарбиявий ишлар савиясини янада кўтаришни, шунингдек колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари активлигини қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишига қаратиш керак, деб ҳисоблайди.

10. Ҳар бир район партия комитетида, область партия комитети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетида ҳар ойда чорвачилик ишларининг ўтган ойдаги якунлари кўриб турилсин. Мусобақадош областлар, районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасида ўзаро текшириш ўтказиш йўли билан мусобақа якунланиб турилсин, мусобақани текшириш вақтида чорвачилик ишида аниқланган камчиликларнинг тугатилишига эришилсин.

Совет-Ҳиндистон қўшма ахбороти

Ҳиндистон ҳукуматининг таклифига мувофиқ, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев 1960 йил 11 февралдан 16 февралгача визит билан Ҳиндистонда бўлди. Ташқи ишлар министри А. А. Громико, Маданият министри Н. А. Михайлов, Министрлар Советининг Чет эллар билан маданий алоқалар Давлат комитети раиси Г. А. Жуков, Министрлар Советининг Ташқи иқтисодий алоқалар Давлат комитети раиси С. А. Скачков, СССР Олий Совети депутати Т. Ў. Ўлжабоев, Озарбайжон ССР Ташқи ишлар министри Т. А. Тоирова, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги коллегиясининг аъзоси А. М. Марков, СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси И. А. Бенедиктов Н. С. Хрушчевга ҳамроҳ бўлдилар.

Деҳлида, шунингдек Н. С. Хрушчев борган бошқа жойларда халқ уни самимий, дўстона кутиб олди. Умумий руҳ кўтаринкилиги ана шу самимий, дўстона кутиб олишнинг муҳим хусусиятидир. Ана шу эзгу ният намойиши тинчлик иши йўлида садоқат билан меҳнат қилаётган жаҳоншумул давлат арбобига бўлган ҳурматнинг ифодаси, шу билан бирга, Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги ва шу ҳар иккала мамлакат халқлари ўртасидаги мавжуд саодатли муносабатларнинг ифодаси ҳамдир.

Н. С. Хрушчев Деҳлида бўлган вақтида Ҳиндистон парламенти аъзолари ўртасида нутқ сўзлади, жаҳон қишлоқ хўжалик виставкасини бориб кўрди, Деҳли шаҳри аҳолиси томонидан ўз шарафига ўтказилган митингда, шунингдек жамоатчилик йўли билан кўрилган бошқа тадбирларда қатнашди. Кейинчалик у, Сураттарх ва Бхиланда бўлди. Сураттарх қишлоқ хўжалиги соҳасида, Бхилаи эса саноат соҳасида Ҳиндистон-Совет ҳамкорлигининг символидир. Ана шу икки корхонанинг муваффақияти ҳар иккала мамлакатни мамнун қиладиган воситага бўлиб, улар ўртасида иқтисодий ҳамкорликнинг яна давом эттирилишидан яхши далолат беради. Н. С. Хрушчев ана шу икки визит натижасида хозирги вақтда Ҳиндистон амалга ошириш билан банд бўлган вазифаларнинг бу юксак даражада мўлжаллантан мақсадларига эришиш сари олға ҳаракат қилиб бориш суръатлари тўғрисида равшан тасаввур ҳосил қилди.

Н. С. Хрушчев Ҳиндистон президенти, вице-президенти, бош министри билан ва ҳукуматнинг бошқа аъзолари билан учрашди ҳамда суҳбат қилди. Унинг бош министр билан қилган ва самимий, дўстона вазиятда ўтган суҳбатларида халқаро муносабатларга таллуқли кўп масалаларга, шунингдек ҳар иккала мамлакатни қизиқтираётган конкрет масалаларга тўхталиб ўтилди.

Ҳар иккала бош министр зўр мамнуният билан шуни қайд қилдиларки, кейинги вақтларда халқаро вазиятда халқаро кескинликни анча юмшатишга олиб келган хайрли силжишлар рўй беди. Буюк давлатлар раҳбарларининг, хусусан СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев ва АҚШ президенти Д. Эйзенхауэрнинг шахсан ташаббус кўрсатганликлари ва биргаликда зўр бериб ҳаракат қилганликлари туфайли, кескинликнинг юмшашуви учун кўп жиҳатдан имконият туғилди. Улар ўртасида ўрнатилган ва бир-бирларига визит билан бориш натижасида мустаҳкамланаётган шахсий алоқалар халқаро миқёсдаги ҳамжиҳатликни яхшилашда муҳим омил бўлди ҳамда СССР, АҚШ, Англия ва Франция раҳбар давлат арбобларининг шу йил май ойида энг юксак доирада учрашувини ўтказиш тўғрисида бамаслаҳат бир қарорга келишга ёрдам бердики, ҳамма буни табрикламоқда. Барча тинчликсевар кишиларнинг умиди хозир ана шу учрашув билан ва шу каби учрашувлар билан боғланган ва кишилар буюк давлатлар раҳбарларининг зўр бериб қилаётган ҳаракатлари тўлиқ муваффақият билан тугалланишини астойдил истайдилар. Ҳиндистон ўзининг яхши ниятда эканлигини ва тинчлик йўлида доимо ҳамда узоқ вақт мобайнида қилинадиган ана шу ҳаракатларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашини сидқидил билан изҳор қилади.

Ҳиндистон бош министри Н. С. Хрушчевнинг ёппасига қуролсизланиш тўғрисидаги таклифларига юксак баҳо берганлигини яна такрорлади.

Ҳиндистоннинг назарида бу таклифлар аслида халқаро проблемаларни ҳал этишда куч ишлатмаслик принципини амалга оширишга қилинган даъватдир. Бу таклифлар барча мамлакатларда ва хусусан Бирлашган Миллатлар Ташкилотида катта қизиқиш туғдирди. Бу қизиқиш кишининг маънавий туйғуларини анчайин акс эттирибгина қолмай, балки ядро уруши хавфи борлиги аниқ-равшан тушунилганлигини ҳам ифода этади. Ҳар иккала бош министр термоядро қуроли ва бошқа хилдаги ялпи қирғин воситаларини тақиқлаш тўғрисидаги ўз позицияларини яна бир марта таъкидладилар. Улар буюк давлатлар резолюциянинг руҳига мувофиқ ва шу резолюция асосида биринчи қадамни қўядилар, яъни ядро қуроли синовларини тўхтатадилар, деб умид қилганликларини ҳам биллирдилар. Бош Ассамблеянинг кейинги сессиясида Ҳиндистон ана шу резолюцияни киритиш шарафига муяссар бўлган эди. Ядро қуролигина эмас, балки қурол-яроғларнинг олдий турлари ҳам тараққиёт йўлида инсониятга халақит берадиган жиддий ғовдир. Ҳиндистон Совет Иттифоқида яқин ўтмишда қуролли кучлар қисқартирилганидан кейин яна яқинда қуролли кучларнинг қисқартирилганлигига инсониятнинг қиличларни чўқичлаб плуглар ясаш тўғрисида асрлар бўйи орзу қилиб келган тилакларини амалга оширишга қўшилган муҳим ҳисса, деб баҳо берди.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев бош министр Ж. Неру ва Ҳиндистоннинг бошқа давлат арбоблари билан қилган суҳбатларида Ҳиндистоннинг бетарафлик ва ҳарбий иттифоқларда қатнашмаслик сиёсатига юксак баҳо берди. Н. С. Хрушчев Совет Иттифоқида ана шу сиёсатга зўр ҳурмат билан қаралмоқда, деб таъкидлади. Совет ҳукумати шунга аминдирки, Ҳиндистон ва шахсан унинг бош министри Ж. Неру бундай сиёсатни ўтказиш билан бутун дунёда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ишига жуда катта ҳисса қўшадилар. Н. С. Хрушчев Ҳиндистон ҳукумати ва халқининг бу сиёсатни ўтказишда муваффақиятларга эришувини тилади ва Совет Иттифоқи ҳамда Ҳиндистоннинг тинчлик йўлида биргаликда кураш олиб бориши бундан буён ҳам халқаро кескинликни юмшатишга ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам берадиган муҳим омил бўлади, деб таъкидлади.

Ҳиндистон билан Совет Иттифоқига келганда шуни айтиш керакки, уларнинг ўзаро муносабатлари илгари ҳеч қачон дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг ҳозирги вақтдагидек мустаҳкам асосига таянмаган эди. Уларнинг тинч-тотув яшаш принципларига содиқлиги ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш ишига ёрдам бериш ўзаро қатъий бел боғлаганликлари уларни бир-бирига яқинлаштирди ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ҳамда бу ташкилотдан ташқарида ўзаро самарали ҳамкорлик қилиш доирасини анча кенгайтирди. Ҳар иккала мамлакат шундай фикрни изҳор қиладики, дунё уруш хавфидан халос бўлмаса ва мустаҳкам тинчлик асослари яратилмаса, у ҳолда, ҳозирги вақтда фан ва техника соҳасида эришилган ажойиб тараққиёт (Совет Иттифоқи бу соҳада етакчи ўрин эгаллади) инсониятга кам фойда келтиради. Қуролсизланиш, халқлар ўртасидаги дўстлик, узоқ вақт қашшоқлик ва қолоқлик натижасида азоб чекиб келган районларнинг тез ривожланиши,— ана шундай омилларгина уруш бошлаб юборишни ҳақиқатан ҳам қийинлаштирмоқда. Бош министрлар ўз мамлакатлари инсоният тинч тараққиётининг истиқболлари кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган шарт-шароитни вужудга келтириш ишига энг кўп ҳисса қўшишга интилаётганлигини зўр ишонч билан баён қилдилар.

Бош министрлар шу нарсани ҳурсандчилик билан қайд қилдиларки, ҳар иккала мамлакат ўртасида иқтисодий ва маданий соҳалардаги муносабатлар ҳам кўп даражада мустаҳкамланди. Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий ва техника ҳамкорлиги анча кўп қирилишларни ўз ичига олади: Бхилаи металлургия заводи ишга туширилди ва унинг дастлабки ишлаб чиқариш қуввати ҳозирги вақтда икки баравардан зиёд кўпайтирилмоқда. Ранчидаги машинасозлик заводи. Нейвелидаги электростанция, Корбадаги конлар, Бараунидаги 2 миллион тонна нефть тозалаб чиқарадиган завод, нефтни разведка қилиш ва ҳоказолар ана шундай қирилишлар жумласидандир.

Совет Иттифоқи илгари берилган кредитга қўшимча равишда яқинда Ҳиндистонга 1,5 миллиард сўм миқдорида яна кредит берди.

Н. С. Хрушчев Деҳлида бўлган вақтида учинчи беш йиллик планга киритиладиган йирик иншоотларни қуриш учун ана шу кредитдан фойдаланиш тўғрисидаги битим имзоланди. Икки мамлакат ўртасида биринчи марта маданий, илмий ҳамкорлик ва техника ҳамкорлиги тўғрисидаги битим имзоланди.

Н. С. Хрушчев Ҳиндистонда бундан олдин 1955 йил декабрь ойида бўлган эди. Ўша вақтдан буён Ҳиндистонда ҳам, халқаро майдонда ҳам кўп ўзгаришлар бўлди. Н. С. Хрушчевнинг ҳозирги визити унинг ҳинд халқи қисматини яхшилаш учун ва ҳинд халқининг ўз турмуш даражасини тўхтовсиз юксалтиришни таъминлаш учун, тараққиётнинг ҳамма соҳаларида Ҳиндистон бажараётган ишларнинг натижаларини ўз кўзи билан кўриши ёки биринчи манбалардан ахборот олиши учун имконият туғдириб берди. Бу визит ҳар иккала бош министрнинг ўз дўстликларини яна давом эттириш ва ҳар икки томоннинг манфаатларига тааллуқли бир қанча масалаларни шахсан муҳокама қилишлари учун кўпдан буён кутилган имкониятга эга бўлишларини ҳам таъминлади.

Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон ҳукуматлари бошлиқларининг учрашуви, уларнинг бир-бирлари билан қилган суҳбатлари ва, аввало, шахсий суҳбатлари ҳар иккала мамлакат учун фойдали бўлди. Ҳиндистон бош министрининг 1955 йил июнь ойида қилган визити билан бошланган Ҳиндистон-Совет муносабатларининг янги бобига бу визит натижасида муҳим саҳифа қўшилди. Бу янги саҳифа ҳар иккала мамлакат ўртасидаги самимий ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ишида олға қараб анча катта қадам қўйилганлигини таъкидлайди.

Деҳли, 1960 йил 16 февраль.

УРУШГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК

Шу йил 15—16 февралда Москвада совет жамоатчилигининг қуролсизланиш учун курашга бағишланган конференцияси бўлиб ўтди.

Конференция қатнашчилари Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг раиси ёзувчи Н. С. Тихоновнинг «Совет халқи ёппасига ва батамом қуролсизланиш тарафдоридир» деган темада қилган докладини кенг муҳокама қилдилар.

Конференция делегатлари ўз нутқларида урушга йўл қўймасликка, атом ва водород бомбалари синовларини тақиқлашга, қуролсизланиш проблемасини ҳал қилишга чақирдилар. Улар Совет Иттифоқининг ўз қуролли кучларини ўз ташаббуси билан камайтириб кўрсатган олижаноб ташаббуси бошқа давлатларга намуна бўлишлигини таъкидладилар.

Конференция номига СССРнинг турли шаҳарларидан ва чет эллардан жуда кўп табрикномалар келди.

Конференция ишида қатнашган чет мамлакатлардаги тинчлик тарафдорларининг вакиллари урушга қарши ёркин нутқлар сўзладилар.

Конференция катнашчилари яқинлик ва баланд руҳ билан Совет қуролли кучларини яна камайтирилганлиги тўғрисида, ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида резолюция ва жаҳондаги ҳамма тинчликсевар кишиларга қарата мурожаат қабул қилдилар.

БХИЛАИ — СОВЕТ-ҲИНД ДЎСТЛИГИНИНГ ТИМСОЛИ

Бхилаи металлургия заводида 1960 йил 15 февралда Н. С. ХРУШЧЕВнинг совет ва ҳинд мутахассислари билан суҳбати

ДЕҲЛИ, 16 февраль. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев икки кун давомида — 14 ва 15 февралда Бхилаидаги металлургия заводи қурилиши билан ва бу заводнинг иши билан танишди. Совет ва ҳинд мутахассислари ва ишчиларининг кучи билан зўр ижодий гайрат сарфланиб қурилаётган бу завод Совет-Ҳиндистон дўстлигининг жонли символидир. Бхилаи заводи техниканинг энг янги муваффақиятлари асосида қурилган жуда катта корхонадир. Заводнинг лойиҳасини совет лойиҳалаш ташкилоти (Гипромез) институти тузиб берган. Заводнинг ҳамма ускуналари Совет Иттифоқида лойиҳаланган ва тайёрланган. Заводга керакли кадрлар СССРнинг актив ёрдами билан совет корхоналарида, шунингдек Бхилаи заводининг ўзида тайёрланди.

Бу ерда совет кишилари ҳиндлар билан аҳил оила бўлиб биргаликда яшамоқдалар ва меҳнат қилмоқдалар. Улар орасида ўз ишига моҳир бўлган усталар оз эмас. Н. С. Хрушчев илгари вақтларда булар билан Азовсталь, Запорожсталь, Сталин металлургия заводи ва бошқа корхоналарнинг цехларида учрашган. Ҳозир эса, бу ерда, Бхилаида Н. С. Хрушчев улар билан эски қадрдонлардек яна хурсанд бўлиб учрашди. Совет ишчилари ва инженерлари Никита Сергеевич Хрушчевни қизғин табрикладилар.

Ҳиндлар ҳам Совет ҳукумати бошлиғини қизғин табрикладилар. Уларнинг кўплари Н. С. Хрушчев билан учрашганларида ва суҳбатлашганларида у билан рус тилида гапиришдилар, чунки улар совет кишилари билан бирга ишлаб рус тилини ўрганиб олганлар. Совет ҳукуматининг бошлиғи техникани, металлургияни ва қурилиш ишларини миридан — сиригача яхши билганлиги ҳиндларда жуда катта таассурот қолдирди.

Н. С. Хрушчев уларнинг саволларига жавоб бериб, ўзи бир вақтлар саноат академиясининг металлургия факультетида ўқиганлигини, кейин эса металлургиянинг амалий проблемалари билан кўп марталаб шуғулланганлигини тушунтириб ўтди.

Совет ҳукуматининг бошлиғи домна, мартен, прокат цехларида ва кокс батареялари олдида узоқ вақт тўхталиб, инженер ва ишчилардан янги мураккаб техникани қандай қилиб ўзлаштираётганликларини батафсил суриштирди, улар эришган натижалардан мамнун бўлганлигини изҳор қилди, совет металлургия саноатининг жуда бой тажрибасига асосланиб баъзи бир ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал қилиш йўлларини айтиб берди.

Ҳинд ва совет мутахассислари Н. С. Хрушчевдан Бхилаидаги завод қурилиши ва унинг ўзлаштирилишига таллуқли баъзи амалий масалалар устида суҳбат ўтказишни илтимос қилдилар. Н. С. Хрушчев бу таклифни қабул қилди ва 15 февралда суҳбат ўтказди. Бу суҳбатда Ҳиндистон томонидан: саноат министри Манубхай Шаҳ завод бош директори Шривастава, унинг ўринбосарлари, бошқармаларнинг бошлиқлари, пўлат, ер ости бойликлари ва ёқилғи министрлигининг секретари Буталингам, «Ҳиндустан стил» корпорацияси правлениесининг раиси Панде ва бошқалар қатнашдилар; совет томонидан: СССР Министрлар Совети ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси С. А. Скачков ва Н. С. Хрушчевнинг бошқа ҳамроҳлари, завод қурилишининг бош инженери Н. В. Голдин, ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг вакиллари, завод қурилишида ва уни ўзлаштиришда ишлаётган асосий совет мутахассислари, СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси И. А. Бенедиктов ва бошқалар қатнашдилар.

СССР Министрлар Совети Раиси ҳузуридаги матбуот группасининг матбуот учун тайёрлаган суҳбат стенограммаси қуйида эълон қилинади.

Н. С. Хрушчев. Сизлар суҳбатни қай тарзда ўтказишни таклиф қилмоқчисиз?

Манубхай Шаҳ. Аввало, мен бу ерда ҳозир бўлган мутахассисларни сизга таништирмоқчиман. Сўнгра биз Сиздан завод тўғрисидаги ўз таассуротларингизни гапириб беришингизни ҳамда ўз мулоҳазаларингиз ва истакларингизни айтиб ўтишингизни илтимос қилар эдик. Мутахассисларимизнинг ўзларини қизиқтирган масалалари ҳақида Сизга саволлар беришларига ижозат беришингизни ҳам илтимос қилар эдик. Агар Сиз саволлар берадиган бўлсангиз, биз бу саволларга бажонидил жавоб қайтарамиз.

Н. С. Хрушчев. Маъқул.

Манубхай Шаҳ. Сиз, Хрушчев жанобларига бу ерга келганлигингиз ва бизнинг шаънимизга яхши гаплар айтганлигингиз учун бу ерда ҳозир бўлган ҳинд мутахассислари номидан ташаккур айтамиз. Мен ҳам ҳинд мутахассислари номидан Сизнинг шаънингизга бир-икки оғиз сўз айтмоқчиман.

Биз Сизни улуғ мамлакатнинг улуғ раҳбари деб биламиз. Лекин ҳозирги пайтда Сиз бу ерда бошқа вазифадаги киши сифатида гапираётирсиз, десак бўлади. Сиз бу ерда бўлган вақтингизда Сизнинг фан масалаларини ва технологияни жуда яхши билганлигингизни, металлургия проблемасини ғоят чуқур тушунганлигингизни ўз кўзимиз билан кўрдик. Бизнинг бош министримиз Неру жаноблари ҳам фан ва техниканинг улуғ ҳимоячиси бўлган зотдир, шунинг учун ҳам у ўзининг ҳар бир нутқида фан ва техниканинг турмушдаги аҳамиятини ҳар сафар жуда уқтириб ўтади.

Сизга бу ерда ҳозир бўлган ҳинд мутахассисларини таништириб ўтишга ижозат бергайсиз.

(Министр Н. С. Хрушчевга суҳбатда ҳозир бўлган ҳинд мутахассисларини таништиради.

Суҳбатда қатнашаётган ва Мадхья Прадеж штатидан парламент аъзоси бўлган Найт Сингх ўз сайловчилари номидан Н. С. Хрушчевга эсдалик совғаси тақдим қилади).

Н. С. Хрушчев. Сизга ташаккур. Бу совға мен учун жуда қадрлидир, чунки у менга Бхилаини ҳамиша эслатиб туради.

Шривастава. Сиз жаноб олийлари билан бугун бу ерда учрашиш ва Бхилаи металлургия заводи ҳақида бир-икки оғиз гапириб ўтиш мен учун катта шарафдир. 1956 йилнинг охирида Совет Иттифоқидан техника лойиҳаси олинганидан сўнг қурилиш ишлари дарҳол бошланиб кетди. Биринчи домна печининг пойдевори 1957 йил май ойида қурила бошланди. 1958 йилда иш суръати анча тезлашди. Шу вақт ичида Ҳиндистоннинг ўзидан ҳам, Совет Иттифоқидан ҳам юборилган бинокор кадрлар анча кўпайди. Совет ва ҳинд мутахассисларининг биргаликда куч ва ғайрат сарфлаши натижасида биринчи домна печи 1958 йилнинг охирида қуриб битказилди ва 1959 йил 4 февралдан бошлаб чўян ишлаб чиқаришга киришилди.

Бундан бир неча кун муқаддам бизнинг домна печларимиз дастлабки 400 минг тонна чўянни ишлаб чиқаришни тугаллади. Пўлат ишлаб чиқариш 1959 йил 12 октябрда бошланди. Прокат станлари, блюминг ва узлуксиз прокат чиқарувчи стан 1959 йил ноябрь ва декабрь ойларида ишга тушди. Шу вақт ичида биз 60 мингдан кўпроқ пўлат қуйма ишлаб чиқардик ва шу дамгача 22 минг тоннадан кўпроқ прокат тайёрладик.

Совет ва ҳинд мутахассислари бир-бирлари билан яхши ҳамкорлик қилаётганликлари кўриниб турибди. Биз самимият ва дўстлик вазиятида ишламоқдамиз.

Албатта, бундай катта қурилишни рўёбга чиқаришда жуда катта қийинчиликлар ҳам бўлди, лекин ҳамма вақт совет ва ҳинд мутахассислари бир-бирлари билан муттасил маслаҳатлашиб ишладилар. Биз ҳамма масалалар ва проблемаларни муваффақиятли равишда ҳал қилиб бордик.

Совет Иттифоқидан юборилган ва бу ерда ўрнатилган ускуналарнинг ҳаммаси, механизмларнинг ҳаммаси жуда яхши ишламоқда. 1960 йилда яна битта домна печи, 4 та мартен печи ускуналарини ва битта кокс батареясини ўрнатишимиз керак. Бундан ташқари рельс тайёрлаб берадиган ва сортли прокат тайёрлаб берадиган иккита прокат стани ўрнатишимиз керак. Ўзлаштирилган объектлар ва цехларнинг ҳаммаси шу йилнинг охиригача фойдаланиш учун тўла равишда топширилади, деб умид қилмоқдамиз. Совет мутахассислари ва ишчилари ҳам ҳинд мутахассислари ва ишчилари ҳам қурилишни шу йилнинг охиригача битказмоқ учун жуда зўр бериб меҳнат қиладилар, деб ўйлайман.

Заводни хомашё билан таъминлашнинг ғоят катта аҳамияти бор. Темир руда ва оҳак тош қазиб чиқариш ишлари бир неча ойдан кейин батамом машиналаштирилади. Шундай қилиб, заводга хомашёни узлуксиз етказиб бериб туриш вазифаси батамом ҳал қилинади.

Совет Иттифоқида иш ўрганиб келган ёш ҳинд мутахассислари заводимиз ҳаётида жуда муҳим роль ўйнайдилар. Завод учун малакали ишчилар топишда ҳозирча қийинчиликлар рўй бермоқда. Бироқ, металлургия корхоналарини ишлатишда катта тажриба орттирган бир неча ҳинд мутахассислари заводимизда ишламоқда ва ҳозир биз Бхилаи заводи учун асосан шу ерда, Бхилаида малакали кадрлар тайёрлашни таъминлайдиган ҳамма чораларни кўрмоқдамиз.

Пировардида, мен ҳинд ишчилари ва мутахассислари билан совет ишчилари ва мутахассислари чин кўнгилдан самимий дўст бўлиб ишлаётганликларини яна бир марта уқтириб ўтмоқчиман. Бутун қурилиш шу йилнинг охиригача муваффақиятли равишда битказилади, деб умид қиламиз.

Н. С. Хрушчев. Аввало, саноат министрига ва заводнинг бош директорига яхши табрик сўзлари айтганликлари учун ва завод тўғрисида маълумот берганликлари учун ташаккур изҳор қилмоқчиман. Олган таассуротларимни ҳозиргина бўлиб ўтган митингда сўзлаган нутқимда бир қадар гапириб ўтдим. Лекин баъзи бир нарсаларни илова қилмоқчиман.

Сизларнинг заводингиз тўғрисида менда жуда яхши таассурот қолди. Сизлар, ахир, лойиҳани Совет Иттифоқида ўзларингиз тузгансиз, завод ўзларингизнинг маслаҳатингиз билан қурилди, энди бўлса ўғлини мақтаган ота сингари ўзингизни-ўзингиз мақтаяпсиз, деб айтишингиз мумкин. Аммо фирма ўзи сотмоқчи бўлган ускунани мақташи бошқа гап-у, шу ускуна ишлаётганида унинг ҳақида гапириш бошқа гап, агар бу ускуна ёмон ишлаётган бўлса, бу ҳақда оғиз очмаслик керак. Агар ускуна ишламаётган бўлса, ҳар қанча мақталса ҳам бу билан у барибир яхши бўлиб қолмайди. Ўзларингиз кўриб турибсизки, бизнинг ускуналаримиз яхши ишламоқда. Бу ускуналарнинг қандайлигини шунинг ўзи ҳам кўрсатиб турибди. Очиғини айтсам, агар бу завод бизнинг мамлакатимизда қурилганида эди, биз бу завод билан фахрланган бўлур эдик. Бу завод фан ва техниканинг металлургия соҳасидаги энг янги муваффақиятларига жавоб берадиган, энг янги ускуналар билан жиҳозланган яхши завод.

Сизларнинг мамлакатингизда инглизлар ҳам, немислар ҳам металлургия заводлари қуришаяпти. Шу сабабли, сизлар бу ускуналарнинг ҳақиқатан қанчалик энг янги ускуналар эканлигини ўзларингиз таққослаб ва синаб кўришингиз мумкин. Ҳар ҳолда, менга айтишларига қараганда, улар қуришга биздан олдинроқ киришганлар, сиз билан биз бўлсак Бхилаи заводини қуришга кейинроқ киришдик. Бироқ, сиз билан биз қурган завод биздан илгари қурила бошлаган заводларга қараганда бир неча баравар кўп металл бермоқда.

Мен Бхилаи заводини бизнинг заводимиз деб айтмоқчиман, чунки у ҳақиқатан ҳам биз учун жонажон заводдир. Эсимга тушган бир нарсани айтиб ўтаман. Горькийда автомобиль заводи қуриш тўғрисида Форд билан шартнома тузиб (бунга жуда кўп вақт бўлди), шу завод қурилиб бўлганидан кейин Форд Америкадаги ўз заводларига буйруқлар берганида, Горький автомобиль заводини ўзининг «филиали» деб атаб, ўша буйруқларнинг копияларини Горькийга ҳам юборар ва бизнинг ректоримиз шу буйруқларнинг копияларини мунтазам равишда олиб турар эди. Биз Фордни тушунар эдик ва бунга хафа бўлмас эдик.

Заводни қуришда ва ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда эришган катта муваффақиятларингиз бизни қувонтиради. Завод қурилиши бу йил батамом битказилади, сизлар каби биз ҳам бунга аминмиз. Шу йилнинг охиригача сизлар домна ва мартен печларини ҳамда кокс батареясини ишга туширишингиз мумкин. Биз ўз мамлакатимизда домна печини 6 ойда қурмоқдамиз, мартен печини тахминан 3 ой ичида қуриб битказиш мумкин. Кокс батареясини қуриш ишлари анча мураккаброқ бўлади.

Энди заводингизнинг иккинчи навбатдаги қисмини ривожлантириш тўғрисида ўйламоқ керак. Буни анча тезлаштириш мумкин. Бу ерда асосий гап ускуналар ишлаб чиқаришга сарфланадиган вақтга боғлиқ. Бинобарин, ускуналар тайёрлаш графигини ишлаб чиқиш ва ускуналар тайёр бўлиши биланоқ уларни ўз жойига тезроқ ўрнатмоқ учун пойдеворларни ҳам ҳозирнинг ўзида тайёрлаб қўйиш керак.

Заводнинг қувватини қанчалик ошириш тўғрисида ўзимнинг муайянроқ тавсияларимни айтиб бермоқ учун менинг қўлимда тегишли ҳамма маълумотлар йўқ. Лекин бугун министрнинг сўзини эшитиб туриб, мамлакатимиздаги энг катта металлургия заводларини кенгайтириш соҳасида олиб борилган ишлар эсимга тушди.

Масалан, биз янги жойда завод қуриш ўрнига, Магнитогорск металлургия комбинатини кенгайтириб, бу комбинатда металл ишлаб чиқаришни йилига 6 миллион тоннадан 12 миллион тоннага етказсак мантиқий иш қилган бўламиз, деган фикрга келдик. Бунинг натижасида биз жуда кўп маблағни тежаймиз ва вақтдан ютамиз. Сизларнинг заводингизни келгусида анча кенгайтириш масаласига келганда, бу иш заводни яхши руда, доломитлар, сув билан, хуллас мана шундай катта металлургия заводи учун зарур бўлган нарсаларнинг ҳаммаси билан таъминлаш имкониятларига боғлиқдир. Агар бу ерда шундай имкониятлар бўлса, бу нарса манфаатли бўлиб чиқади. Мен саноат академиясида ўқиб юрган йилларда профессор Баранский иқтисодий географиядан бизга дарс берар эди. У бизга корхона қурмоқ учун жой танлаган вақтда нималарни ҳисобга олиш кераклигини тушунтириб берган эди.

Сизларга шуни айтмоқчиманки, мен қурилишда металл конструкциялар ўрнига, темир-бетон конструкциялар ишлатишга жуда тарафдорман. Бу арзонга тушади, чунки металл камроқ сарф бўлади. Сизларнинг заводингизда темир-бетон конструкциялар ҳозирча кам. Инженер металлурглар, олтингугурт аралаш чиқитлар бетонга таъсир қилади, деб бунга қарши чиқаётирлар, дейишади. Сизларнинг рудаларингиз таркибида эса олтингугурт моддаси кам, шу сабабли бу ерда темир-бетон учун яхши шароит бор. Умуман олганда эса, темир-бетон секинлик билан жорий қилинаётганлигининг сабаби шуки, бу янги ишдир, бинокорлар орасида эса, жуда консерватор кишилар ҳам бор. **(Суҳбатдагилар орасида жонланиш).** Улар металл конструкциялар ишлатишга одатланиб қолганлар ва шу сабабли бу конструкцияларни темир-бетон билан алмаштиришни истамайдилар. Биз ўзимизда анча тежамли бўлган темир-бетон конструкцияларнинг жорий қилиниши учун моддий манфаатдорлик ва муайян маъмурий жавобгарлик тартибини ўрнатиб, таъсир ўтказувчи баъзи чораларни татбиқ қилдик. Ҳозир бизда темир-бетон кенг равишда қўлланилмоқда.

Биз инженерларимиз олдига бу ишда темир-бетон конструкцияларни кенгроқ жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади, деган масалани қўйган эдик. Лекин Ҳиндистон ҳукумати бу ишга эҳтиётлик билан қараганлигини пайқаб қолдик. Биз бу тавсияни қабул қилишни унчалик қистаб турмадик. Бунинг фойдали эканлигини турмушнинг ўзи кўрсатсин дедик. Ҳар бир кишига маълумки, ҳар қандай янги ишда шу ишда ишлаётганларнинг ўз тажрибаси уларнинг ўзларига кўпроқ таъсир қилади. Боши бир нарсага тақ этиб теккан киши ўзининг хатоси нималигини тезроқ тушуниб олади. Маълумки, металл темир-бетонда металл конструкцияларидагига қараганда тахминан ўн баравар камроқ ишлатилади. Сизларда металлни тежамаслик учун кифоя қиларлик даражада кўп металл йўқ. Лекин темир-бетон конструкцияда металл ўн баравар эмас, ҳатто беш баравар кам ишлатилган тақдирда ҳам сизлар бундан кўп манфаат кўрасиз. Яна шу нарса ҳам маълумки, темир-бетон металлга қараганда ҳар жиҳатдан яхшидир. Шунинг учун мен темир-бетон тарафдориман.

Биз Совет Иттифоқида кейинги беш йил ичида темир-бетон ишлаб чиқаришни жуда кўпайтириб юбордик. Мен сизларга ўз бинокор инженерларингизни бизга юбориб, бу ишни яхшилаб ўрганишни маслаҳат берар эдим. Келажак темир-бетонники: чунки у арзон, рационал, узоққа чидайдиган материалдир.

Энди сизларни биз қурилишнинг энг катта масалаларидан бирини қандай ҳал қилганлигимиз билан таништириб ўтмоқчиман.

Бундан бир неча йил муқаддам биз қурилиш масалалари билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот институтларимизга саноат корхоналарини тағин ҳам рационал равишда қуришнинг типовой проектларини ишлаб чиқишни топширдик. Бу иш билан жуда кўп илмий тадқиқот институтлари, экономистлар шуғулланиб, ниҳоят ўз таклифларини тақдим этдилар. Бизнинг ҳукуматимиз бу таклифларни тасдиқлади ва қурилишнинг тағин ҳам прогрессив системасини жорий қилмоқ учун зарур бўлган нарсаларнинг ҳаммасини ажратиб берди.

Шу таклифларда арматура билан мустаҳкамланган деталлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилди. Қурилишда бундай методларни жорий қилиш тўрт йилдан кейин кенг авж олиб кетса керак, чунки деталлар ва шу кабиларни ишлаб чиқармоқ учун саноат базаси тайёрлаш керак.

Бу метод қандай натижа беради? Бу метод заводлар қуришни планлаштиришда уларни яхлитроқ қилиб жойлаштириб, завод ҳовлиларининг саҳнини тахминан 30 процент қисқартиш имкониятини беради. Натижада алоқа йўллари, транспорт, канализация, электр, сув йўллари ва шу кабиларни анча тежаш мумкин бўлиб қолади. Цехларнинг бинолари кундузги ёруғликдан фойдаланмай, сунъий ёруғликдан фойдаланадиган, температура даражаси доимий бўладиган, яхши вентиляция қилиниб турадиган қилиб қурилади. Мана шуларнинг ҳаммаси ишлаш учун яхши шароит вужудга келтиради. Ниҳоят, шуни айтиб ўтмоқ керакки, цехлар ичидаги устунларнинг оралиғини ўзгартириш йўли билан уларнинг ички тузилишини тағин ҳам рационалроқ қилиш мумкин бўлиб қолади. Бу эса, шу билан бирга, бир ишлаб чиқариш методини прогрессивроқ бўлган иккинчи метод билан алмаштиришга имкон берадиган қилиб технологияни қайта қуриш учун катта имконият беради. Ускуналарнинг жойини ўзгартириш анча осонроқ бўлиб қолади. Мана шу анча прогрессив методларнинг ҳаммасини жорий қилиш етти йил ичида тахминан 50 — 60 миллиард сўмни тежашимизга имкон беради. Бу тажрибани сизларга бажонидил айтиб беришимиз мумкин, чунки биз қурилишдаги бу муваффақиятларни сир қилиб сақламаймиз ва тажрибаларимизни дўстларимиз билан баҳам кўришга ҳамма вақт тайёрмиз.

Манубхай Шаҳ. Катта раҳмат. Металлургия заводларида буғлар, айниқса олтингугурт буғлари кўп деб айтиб ўтдингиз. Бизнинг рудаларимиз ва хомашёларимиз таркибида олтингугурт жуда кам, шунинг учун ҳам темир-бетон ишлатишнинг амалий фойдаси бор.

Н. С. Хрушчев. Эҳтимол, баъзи цехларда олтингугурт буғларининг таъсири жуда кучли бўлганида темир-бетон ишлатишнинг ҳожати йўқдир. Лекин сизларнинг заводингиз сингари йирик заводда алоқа йўллари жуда катта бўлади, шу сабабли темир-бетон ишлатиш имкониятлари ҳам ғоят катта.

Металлургия заводларидаги конструкторларимизнинг яна бир камчилигини кўрсатиб ўтмоқчиман. Баъзи конструкторлар бу камчиликлардан ҳанузгача қутулганлари йўқ. Бу камчилик шуки, улар ҳамма нарсага фақат ўз касблари нуқтаи назаридан қарайдилар, агар конструктор металлург бўлса кимёни тан олмайди, қурилишни ва қурилишдаги янги муваффақиятларни тан олмайди. Мен бу гапларни ўз конструкторларимиз ҳақида гапирмоқдаман, эҳтимол сизларнинг конструкторларингиз бундай эмасдир.

Манубхай Шаҳ. Бизда ҳам бундай камчиликлар бор.

Н. С. Хрушчев. — Очиғини айтсам, бу камчиликни мен бу ерда ҳам кўрдим. Бу камчилик завод лойиҳасини тузиш вақтида келиб чиққан бўлса керак. Лойиҳани тузиш вақтидаёқ шлакни қайта ишлашни кўзда тутиш керак эди. Ахир, бу арзон бинокорлик материали-ку. Бинокорлик материалларига сизларнинг заводингиз ҳам муҳтож. Бизларнинг баъзи заводларимизда бўлгани каби, сизларнинг заводингизда ҳам шлакни қайта ишлаш кўзда тутилмаган.

Манубхай Шаҳ. Ҳозир бу ерда шлакни қайта ишлайдиган цемент заводи қурмоқчилар.

Н. С. Хрушчев. — Кўрдингизми, бундай заводни қурмоқчи бўлаётганингиз бошқа гап-у, буни лойиҳада кўзда тутиш бошқа гап эди. Агар бу нарса лойиҳада кўзда тутилганида эди, цехларни анча рационал равишда жойлаштириш мумкин бўлур эди ва шу тариқа ортиқча транспорт харажатларига эҳтиёж қолмас эди.

Сўнгра, агар шлак қайта ишланиб, ундан масалан минераль жун ҳосил қилинадиган бўлса, шлакни қизиқлигида, совутмасдан олиб ишлатмоқ, унинг зарур температурасини сақлаб турмоқ ва уни қиздиришга ёқилғи сарфламай, дарҳол тайёр маҳсулотга айлантирмоқ керак. Бизда кўпинча бундай қилмаётирлар, сизларда ҳам шундай қилишмаётир. Бинобарин, бу камчилик сизларга нисбатан ҳурматсизлик қилинганлигини кўрсатмайди. Бу нарса лойиҳа авторлари ўзларини ҳам ҳурматламаганликларини кўрсатади. **(Суҳбатдагилар орасида жонланиш).** Бас, шундай экан, уларни консерватор демай бўладими, ахир?

Манубхай Шаҳ. Келгусида сизнинг бу маслаҳатингизни ҳисобга оламиз. Жуда фойдали маслаҳат бердингиз.

Н. С. Хрушчев. Энди мен уй-жой қурилиши тўғрисида бир-икки оғиз гапириб ўтмоқчиман. Менимча бу муҳим ишда сизларда шундай камчиликларга йўл қўйилаётирки, бу ҳақда индамай ўтиб бўлмайди. Сизлардаги уй-жой қурилишида мен кўрган камчиликларнинг кўпи кустарчиликнинг оқибатидир ва деҳқонлар психологиясидан келиб чиқаётган камчиликлардир. Ҳар бир деҳқон ўз манфаатини кўзлайди ва ўзига алоҳида уй қилиб олишни истайди. Сизлар шу одатни давом эттирмоқдасиз. Лекин шаҳар типидаги қишлоқларда маҳаллий иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, тўрт-беш қаватлик уйлар қуриш керак. Архитекторлар ҳам шундай қишлоқларнинг планини тузишда мана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олишлари лозим. Ахир, сизлар қурилишда унчалик исрофгарчиликка йўл қўярлик даражада бойиб кетганмисиз? Сизларда қилинаётган ишларни исрофгарчилик дейишдан бошқа илож йўқ. Агар мен Совет Иттифоқидаги металлургия заводи атрофида уй-жой бинолари шу хилда қурилаётганлигига кўзим тушиб қолганда, мен буни қаттиқ танқид қилган бўлур эдим. **(Суҳбатдагилар орасида шодиёна жонланиш).**

Энди мен уй-жой қурилишини қай тарзда тежамли ташкил қилиш тўғрисида ўзимнинг бир неча мулоҳазаларимни айтиб берсам сизлар мени қоймасаларингиз керак деб ўйлайман. Менимча, уй-жой биноларини ғиштдан эмас, бетондан қурган яхшироқ бўлади. Бунга қарши менга эътироз билдириб, биз унчалик бой эмасмиз, бизда темир кам деб айтишлари мумкин. Сизлар унчалик бой бўлмаганлигингиз учун ҳам мен сизлар уй-жой биноларини бетондан қурганингиз яхшироқ деб ҳисоблаётирман. Бетондан уйлар ясаш йўлга қўйилса, бу анча арзонга тушадиган бўлиб қолади, бундай уйлар ғиштдан қурилган уйларга қараганда бақувватроқ ва яхшироқ бўлади. Албатта, кўп нарса маҳаллий шароитга ҳам боғлиқ. Лекин мен бу ерда ҳам уйларни бетондан қуриш жуда яхшироқ бўлади, деб ўйлайман.

Яна бунинг устига сизлар асосан бир қаватлик уйлар қурмоқдасиз, бундай уйлар жуда қимматга тушади. Мутахассисларнинг қилган ҳисобларига қараганда, тўрт-беш қаватлик қилиб қурилган уйлар жуда арзонга тушади.

Биз завод посёлкаси территориясидан ўтиб бораётганимизда бу фикрларимни менга ҳамроҳ бўлиб бораётган ҳинд дўстларимга айтган эдим. Улар менга бу ерда бир қаватлик коттежлар иқлим шароитини назарда тутиб қурилмоқда, дейишди. Уларнинг бу важлари ҳорҳолда асосли эмас, деб ўйлайман. Ахир, тўрт-беш қаватлик уйларни маҳаллий иқлим шароитларига замонавий гигиена ва санитария нормаларига жавоб берадиган қилиб қуриш мумкин-ку. Шу билан бирга, тўрт-беш қаватлик уйларни қуриш бир қаватлик коттежларга қараганда арзонга ҳам тушади. Пойдеворга ва томга сарфланадиган маблағларни тежаш нуқтаи назаридан қараганда, тўрт-беш қаватлик уйлар қуришнинг жуда катта афзалликлари борлигини ҳисобга олиш керак. Яна бунинг устига иморатлар тўрт-беш қаватлик қилиб қуриладиган бўлса, бунинг натижасида тош йўллар, йўлкалар, канализация, водопровод, электр тармоқлари қуриш учун сарфланадиган харажатлар анча камаяди.

Лекин архитекторлар мана шу масалаларнинг ҳаммасини сизларнинг шароитингизга татбиқ қилиб яхшилаб ўйлаб кўришлари, уйларнинг ўзлари шу уйларда яшовчи кишилар учун ўнғай ва кўркам бўладиган қилиб, посёлкалар чиройли ва ёқимли бўладиган қилиб, боғлар, яхши скверлар вужудга келтиришни кўзда тутишлари керак.

Агар сизлар истасангиз, биз сизлар учун намуна бўладиган посёлканинг лойиҳасини тузиб беришимиз мумкин. Бу ишни бажармоқ учун тажрибакор конструкторларни, инженерларни ва архитекторларни тортиш мумкин бўлур эди. Улар шундай лойиҳани ишлаб чиққанларидан кейин сизлар уни кўриб, ёқса қабул қиласиз, — агар ёқмаса, — қабул қилмайсиз.

Манубхай Шаҳ. — Бу жуда яхши фикр. Биз бу фикрни табриклаймиз.

Н. С. Хрушчев. — Шуни назарда тутишларингизни сўрайманки, менинг бу мулоҳазаларим ҳеч кимга ҳеч қандай мажбурият юкламайди, бу мулоҳазалар ўз кўзим билан кўрган нарсаларим ҳақида сизларга айтиб бераман деб ўйлаган гапларимдир, холос. Мен бу мулоҳазаларни фақат сиёсий арбоб тариқасидагина эмас, балки шу билан бирга шу масалалар билан кўпдан бери қизиқиб келаётган киши тариқасида ҳам айтиб ўтаётирман.

Ҳозир Совет Иттифоқида темир-бетон уй-жой қурилишида тобора кенг қўлланилмоқда. Биз металлни сизларникига қараганда анча кўп ишлаб чиқараётганлигимизга қарамай, бизда ҳам металл етишмайди. Лекин металлга бўлган эҳтиёжларимиз уни ишлаб чиқариш имкониятларимиздан ҳали ҳам ошиб кетмоқда. Бироқ, ўзимизда бўлган темир-бетон конструкцияларни ишлатиш натижасида темирни ҳам, цементни ҳам одатдаги ғиштдан уй қуришга қараганда камроқ сарфламоқдамиз.

Оддий ғиштдан иморат қурганда темир ҳам, цемент ҳам кўпроқ сарф бўлишининг сабаби шуки, бундай иморатларнинг деворлари темир-бетондан қилинган деворларга қараганда уч мартадан зиёд оғирроқ бўлади. Шу сабабли, биз деворларнинг вазнини енгиллаштириб, бу билан уни арзонга туширмоқдамиз, металл ва цементнинг сарфланишини камайтирмоқдамиз, ташилаётган юкларнинг миқдорини камайтирмоқдамиз ва шу тариқа бутун қурилишнинг ўзини арзонга туширмоқдамиз.

Сизларнинг шароитингизда бамбукдан арматура қилиб, бетон деталларни қурилиш учун ишлатиш мақсадга мувофиқроқ бўлса керак. Бу ҳам арзонроқ, ҳам қулайроқ, ҳам енгилроқ бўлиб чиқишига аминман. Сизларда бамбук кўп. Қамиш ҳам бўлса керак. Бинобарин, бамбук ёки қамишдан арматура қилиниб ясалган бетон деталларни уч-тўрт қаватлик иморатлар қуриш учун бемалол ишлатиш мумкин. Сизларнинг мамлакатингизда ичи ҳавол бетон блокларни ҳам уй-жой бинолари қурилишда ишлатиш мумкин.

Инженер Козловнинг вибропрокат системаси бўйича прокат қилинган деталлардан уй-жой бинолари қуриш соҳасидаги тажрибаларимизни сизларга бажонидил ўргатамиз.

Сизларнинг шароитингизда бетон-прокатни ёки гипс — бетон прокатни цемент билан қўшиб ишлатиш яхшироқ бўлиб чиқиши мумкин. Вибропрокат усули билан ясалган гипс плиталарни ички деворлар учун, шу усулда цементдан ясалган плиталарни эса, ташқи деворлар учун бемалол ишлатиш мумкин.

Биз уй-жой бинолари қуришда катта муваффақиятларга эришганлигимиз ва ҳозир бу соҳада етакчи ўрин олиб турганлигимиз билан фахрланамиз. Мисол учун Москвани олиб кўринг. Жаҳоннинг бошқа ҳеч бир шаҳрида уй-жой бинолари Москвада бўлганидек тез ва кенг миқёсда қурилмаётган бўлса керак. Масалан, ўтган йил Москвада умумий саҳни 2 миллион 700 минг квадрат метрлик уй-жой бинолари қурилган эди. Бу йил эса, планга мувофиқ, саҳни 3 миллион квадрат-метрлик уй-жой бинолари қуриш мўлжалланади. Москваликлар бу планни бажарибгина қолмасдан, ҳаттоки ошириб бажаришларига ҳам ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Сизлар бунинг нималигини яхшироқ тасаввур қила олишингиз учун қуйидаги рақамларни айтиб бермоқчиман: Москванинг революцияга қадар бўлган уй-жой фонди ҳаммаси бўлиб 11 миллион квадрат метрни ташкил қилар эди. Пойтахтимизнинг бутун 800 йиллик тарихи давомида шунча бино қурилган эди, яна бунинг устига эски Москвадаги иморатларнинг мутлоқ кўпчилигида канализация, водопровод йўқ эди. Асосан иморатлар ёғочдан қурилар эди. Ҳозир бўлса, Москвада иморатлар темир-бетондан қурилмоқда, ғиштдан қурилаётган иморатлар тобора камаймоқда.

Демак, революциядан олдинги эски Москва бунёдга келгандан бери ўтган 800 йил ичида 11 миллион квадрат метрлик уй-жой биноси қурилган бўлса, ҳозирги вақтда шунчалик саҳнга эга бўлган уй-жой бинолари уч-тўрт йил ичида қуриб битказилади.

Кўриб турибсизки, уй-жой биноларини қуришда биз катта тажриба орттирганмиз. Агар бизнинг ҳинд дўстларимиз бу тажрибага қизиқсалар, биз бу тажрибамизни улар билан бажонидил баҳам кўришга тайёрмиз.

Сизларга мен Козлов конструкциясидан кенгроқ фойдаланишни тавсия қилмоқчиман. Унинг ўзи инженер-механик, у уйларнинг деталларини бетонни вибропрокат қилиш йўли билан бир-икки хонага, бир-икки қаватга мўлжалланган яхлит панеллар тариқасида ясашнинг махсус конструкциясини ишлаб чиқди. Совет мамлакатининг бу муваффақияти меҳнат кўп талаб қиладиган ишларни жуда камайтиради.

Бизда бошқа бир конструкция, яъни инженер Лагутенко конструкцияси ҳам бор. Бу конструкция қурилиш деталларини қўштаврали балка принципи бўйича ишлаб чиқаришни таъминлайди. Шундай деталлардан қурилган бинонинг вазни ғиштдан қурилган бинонинг вазнига нисбатан уч баравар камаяди. Минераль жун бундай бинолардаги уйларни иситишга хизмат қилади. Сизларда уйларни иситишнинг ҳожати йўқ, лекин ташқаридаги иссиқни уй ичига киритмаслик учун минераль жундан фойдаланиш ёки девор оралиқларига тупроқ солиб қўйиш мумкин.

Бизнинг замонимизда иморатларни бундан бир неча аср бурунги вақтларда қурилган тартибда қуриш ярамайди. **(Суҳбатдагилар орасида шодиёна жонланиш).** Мисол учун, ғиштни олиб кўринг. Инсон бу қурилиш материалини ихтиро қилиб, уни ўз қўлига дохиёна мослаштириб олган.

Инсонни қўли юк кўтарадиган асосий восита бўлган. Лекин ҳозир бизда катта кўтаргич кранлар бор, бу кранлар 3—5 тонналик йирик деталлар ва блокларни баландга кўтариб бериши мумкин. Мана шундай блокларнинг бир нечасини ўрнатиб қўйишингиз билан уйнинг бир қавати тайёр бўлади. Бизнинг Москвада мана шундай усул билан беш қаватлик иморатларни 30 кунда қурмоқдалар. Кейинроқ бориб, биз бундай иморатларни 15 кунда қурмоқчимиз. Бизнинг фикримизча, ҳозирги вақтда техниканинг ҳозирги даражасидан фойдаланиб, мана шундай тартибда иморатлар қуриш керак.

Манубхай Шаҳ. Жаноб олийлари, агар сиз бизга жаноб Козловни ёки бошқа бир архитекторни юборсангиз жуда яхши бўлур эди. Улар бизга заводни кенгайтиришни ҳисобга олиб, Бхилаида иморатлар қуриш планини тузиб беришларини илтимос қилар эдик. Бу илтимосимиз Ранчига айниқса кўпроқ тааллуқлидир, чунки Ранчида машинасозлик заводи қурилади.

(Охири учинчи бетда)

БХИЛАИ — СОВЕТ-ҲИНД ДЎСТЛИГИНИНГ ТИМСОЛИ

(Боши иккинчи бетда)

Н. С. Хрушчев. Ўтроқ Козлов архитектор эмас, балки инженер-механикдир, уни бу ерга юборишнинг ҳожати бўлмаса керак. Унинг методини унинг ўзи ясаган машиналар ишлатилаётган жойга бориб ўрганиш керак. Бу ихтиро учун яқинда биз уни олий мукофот билан мукофотладик — унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини бердик. Ленинградлик Лагутенко ва Юзбашев ҳамда москвалик инженер Сусниковлар ҳам мукофотланди. Улар қурилиш соҳасида катта иш қилдилар.

Биз сизларга тегишли мутахассисларни топиб берамиз. Бу масалада менга ишонаберинглар, мени ўзингизнинг Москвадаги «вакилингиз» деб ҳисоблай беринглар. Мен бўлсам, сизларга энг яхши, энг илғор нарсаларни тавсия этишга ҳаракат қиламан.

Манубхай Шаҳ. Мен Ҳиндистонда уй-жой қурилиши билан шуғулланувчи министр билан гаплашиб кўраман, унга бинокор инженерлар группасини танлаб олиш кераклигини айтаман Бу инженерлар Совет Иттифоқига бориб, —уй-жой қурилишининг энг янги методлари билан танишиб келсинлар, дейман.

Н. С. Хрушчев. Яна бир масалани қўймоқчиман. Ҳиндистонда давлат қурилиш ташкилоти тузиш эҳтимолки мақсадга мувофиқ бўлиб чиқар. Қурилишнинг янги методларини жорий қилмоқ учун зарур моддий-техника базасини вужудга келтириш керак. Уйларнинг деталларини кўплаб ишлаб чиқарадиган заводларга эга бўлмай туриб, йиғма уй-жой бинолари қуриш ишини кенг миқёсда олиб бориш мумкин эмас. Лекин бундай заводларни қуриш капитал маблағлар сарфлашни талаб қилади, шу сабабли унчалик катта бўлмаган иш билан шуғулланаётган ҳар бир хусусий саноатчи бундай заводлар қуришга рози бўла бермайди. Ахир, унинг учун бундай заводлар қуриш ҳатто манфаатли ҳам бўлиб чиқмайди. Деталларни поток усулида кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилган тақдирдагина бундай завод фойда келтирадиган бўлиб қолади. Бунинг учун эса ҳийла катта ишлаб чиқариш базасини тайёрламоқ керак. Бундай база давлатники бўлиши ва фақат давлатнинг ўзигина бундай базадан кенг фойдаланиши мумкин. Фақат шу тақдирдагина деталларни ишлаб чиқариш фойдали бўлади, арзонга тушади, яхши сифатли бўлади ва рационал равишда уюштирилади.

Манубхай Шаҳ. Панеллар ва ички ҳавол блоклар ишлаб чиқарадиган давлат заводи Деҳли атрофида бор. Аммо бу завод шундай панел ва блокларни камроқ миқдорда ишлаб чиқармоқда. Албатта, жаноб олийлари, бу ишимизнинг фақат бошланғичидир, кейинроқ бориб биз муҳтож бўлганларга хомашё бермоқ учун қурилишнинг бу соҳасини тобора кенгайтира берамиз.

Н. С. Хрушчев. Энди мен сизларни қизиқтирган саволларга жавоб беришга тайёрман.

Манубхай Шаҳ. Узлуксиз пўлат қуйиш усулини сизлар қандай жорий қилмоқдасиз? Завод кенгайтирилган тақдирда бу усулни бизда ҳам жорий қилиш мумкин бўлармикин?

Н. С. Хрушчев. Бу саволларга бизнинг мутахассис металлургларимиз мендан кўра яхшироқ жавоб беришлари мумкин. Бу янги иш.

Баъзи заводларимизда узлуксиз пўлат қуйиш усулини ҳозир қўлланмоқдамиз.

Манубхай Шаҳ. Сваран Сингх Совет Иттифоқига борганида Тулада пўлатни узлуксиз қуйиш усулини кўрган экан.

С. А. Скачков. Пўлатни узлуксиз қуйиш усулига ўтиш ва кислород билан дам беришни жорий қилиш керак.

Н. В. Голдин. Бу ерда кислород билан дам беришни жорий қилиш кўзда тутилган.

Манубхай Шаҳ. Кеча сиз ўтга бардош берадиган материаллар тўғрисида гапириб ўтган эдингиз. Саноатимизнинг эҳтиёжлари учун, металлургия заводлари, ферросплав, алюминий, ферромагнезит ва шу кабиларни ишлаб чиқарадиган заводлар учун мана шундай зарур материалларнинг ҳаммасини ишлаб чиқарувчи корхоналарни уч—тўрт йилдан кейин қуриб битказамиз. Ҳозир иккита корхона қурилмоқда, ҳаммаси бўлиб давлат секторида, шунингдек хусусий секторда мана шундай материаллар ишлаб чиқарадиган бешта завод қурилади.

Билмадим, сизга маъқул бўлармикин, ёки йўқмикин, ҳар ҳолда бизнинг ҳукуматимиз ўтга бардош берадиган юқори сифатли материаллар ишлаб чиқарувчи бир-икки завод қуришда ёрдам сўраб сизга мурожаат қилмоқчи.

Н. С. Хрушчев. Бу масалани кўриб чиқишга тайёр бўлсамиз керак, деб ўйлайман. Ўтга бардош берадиган материаллар ишлаб чиқарувчи саноатни ривожлантирмоқ керак. Шундай материаллар бўлмаса, металлургиянинг ўсиши мумкин эмас-ку, ахир. Сизларда эса жуда яхши хом ашё бор.

Манубхай Шаҳ. Аъло сифатли десак бўлади! Слюда аралаштирилган ғиштни биз фақат ўзимиз учунгина эмас, шу билан бирга бошқа мамлакатларга сотиш учун ҳам ишлаб чиқармоқдамиз.

Н. С. Хрушчев. Четдан сотиб олишдан кўра, четга сотиш яхшироқ! **(Суҳбатдагилар орасида жонланиш).**

Н. В. Голдин. Никита Сергеевич, Сиз бу ерда айтиб ўтган мулоҳазаларингизни ҳисобга оламиз.

Завод қурилиши тўғрисида бир—икки оғиз гапириб ўтмоқчиман. Тўлиқ металлургия циклига эга бўлган бу замонавий металлургия заводи икки ярим йил ичида қуриб битказилди. 430 минг тоннадан иборат ускуналар, металл конструкциялар ва материаллар Совет Иттифоқидан бу ерга ўз вақтида пароходлар билан келтириб берилганлигини алоҳида қайд қилиб ўтиш керак.

Совет Иттифоқида яхши натижа берган илғор методларимиз бу заводни қуришда қўлланилди. Бу ерда, Ҳиндистонда электр техника ускуналарини, технология ускуналарини, қисман металл конструкцияларни ўрнатиш ва ўтга бардош берадиган ғишт териш билан шуғулланувчи бақувват давлат монтаж ташкилотлари биринчи бўлиб ташкил қилинди. Бу ташкилотларда 18 минг кишидан иборат малакали монтажчилар ишламоқда. Улар Бхилаи металлургия заводида монтаж ишларида ишлаб жуда яхши тажриба орттирдилар.

Шуни айтмоқ керакки, заводда бир-бирини ҳурматлашни, бир-бирига ишонишни, ёрдамлашишни таъминлайдиган ғоят дўстона вазият вужудга келтирилди. Совет мутахассислари ўзларининг бой тажрибаларини ҳинд дўстларига сидқидилдан кўрсатиб келган ва кўрсатаётган совет халқига нисбатан ёрдам олиб турганлигимиз учун беҳад миннатдормиз.

Министр Сваран Сингх қурилишнинг аҳволи билан кун сайин қизиқиб турганлигини ҳам қайд қилмасдан ўтолмаймиз. Деҳлидаги элчихонамиз, СССР Министрлар Советининг ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитети бизга актив ёрдам бермоқдалар.

Никита Сергеевич! Сиз мартен цехида ҳинд мастери Пиллаи ва пўлат эритувчи Пилли билан ҳамда совет пўлат эритувчиси Курочкин билан суҳбатлашган эдингиз. Бугун улар пўлатни 11 соат ўрнига 8 соатда қуйиб, тайёр қилмоқдалар. Домна печлари лойиҳада кўрсатилганига қараганда ҳам кўпроқ маҳсулот берадиган бўлиб қолди. Икки ой ичида прокат станида ҳар қандай профилдаги прокатларни чиқаришни ўзлаштириб олдик.

Сиз, Никита Сергеевични ишонтириб шуни айтамизки, совет мутахассислари, металлургия заводини йилига бир миллион тонна металл чиқарадиган қилиб белгиланган даражадаги қувватда ишлашини таъминламоқ учун уни бу йил қуриб битказамиз, бунинг учун ҳинд дўстларимиз билан бирга бутун кучимизни сарфлаймиз. **(Қарсаклар).**

Завод қувватини ошириб, уни йилига икки ярим миллион тонна пўлат чиқарадиган заводга айлантириш тўғрисидаги қарорни бхилаиликлар жуда хурсанд бўлиб кутиб олдилар. Бу ерда ишлаб турган қурилиш-монтаж ташкилотларини сақлаб қолмоқ учун лойиҳаларни тезроқ юбориш керак. Бу лойиҳаларни фақат Совет Иттифоқининг лойиҳалаш ташкилотларигина тезроқ тайёрлаб бера олади.

Бу ишда Сиздан, Никита Сергеевич, ёрдам сўраймиз.

Энди мен Бхилаи металлургия заводи фотографияларининг альбомини сизга тақдим қилмоқчиман.

Н. С. Хрушчев. Бизнинг ҳукуматимиз совет мутахассислари ва Ҳиндистон мутахассислари томонидан комбинат қурилишида бажарилган ишлардан мамнун бўлди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, Совет ҳукумати номидан совет мутахассисларига ва ишчиларига яхши ишлаганликлари учун ташаккур айтмоқчиман ва сизларга истак билдириб шуни демоқчиманки, кибрланиб кетманглар, ўз ишингизни такомиллаштира беринглар ва ҳамиша олға боринглар! **(Қарсаклар).**

Комбинатни кенгайтириш лойиҳаси тўғрисида. Бу ерда бизнинг вакилимиз ўтирибди. Ана шу вакилимиз лойиҳанинг ўз вақтида тайёр қилиб берилиши учун биринчи галда ҳаракат қилиши лозим.

С. А. Скачков. Биз бунинг чорасини кўрмоқдамиз. Декабрь ойида лойиҳалаш институтининг директори билан бирга қурилишни келиб кўриб кетдик. Бу институтнинг вакили ўртоқ Гора ҳозир шу ерда. Дастлабки ҳисобларга қараганда, завод кенгайтирилган тақдирда, ҳар бир тонна пўлатни ишлаб чиқармоқ учун завод бир миллион тонна металл ишлаб чиқараётган вақтидагига караганда 30—35 процент кам маблағ сарф бўлади. **(Қарсаклар).**

Н. С. Хрушчев. Яна қандай саволлар бор?

Тальвах. (Металлургия заводи бош инженерининг заводни ишлатиш бўйича ўринбосари).—Бхилаида яхши мартен печлари қуриб берганингиз учун сизлардан миннатдормиз. Бу печлар Ҳиндистондаги энг катта печлардир. Лекин шу печларнинг иш унумини икки баравар ошириб, пўлат ишлаб чиқаришни тағин ҳам анча кўпайтириш мумкин. Бхилаининг мартен цехларида ҳозир ҳар хил тажрибалар ва тадқиқот ишлари ўтказилмоқда. Мартен печлари 500 тонналик қилиб қурилаётганлигидан жуда мамнунмиз.

Манубхай Шаҳ. Сиз жаноб олийларига бу ерда бизга айтган сўзларингиз ва мулоҳазаларингиз учун қизғин ташаккур айтишимиз лозим. Шу суҳбатнинг ҳамда сиз айтиб ўтган маслаҳатлар ва мулоҳазаларнинг стенограммаси бизга берилса, шу суҳбатда қатнашаётган ҳамма техникларимиз ва мутахассисларимиз жуда мамнун бўлур эдилар, чунки биз бундан буён ўз ишимизда шу маслаҳатларингизга амал қиламиз.

Заводни қуришда бизга муттасил ёрдам бериб келаётган ва бизлар билан бирга заводни тезроқ қуриб, битказиш учун кўп ғайрат сарфлаётган Скачков ва Голдин жаноблардан ҳам миннатдормиз. Совет мутахассислари заводни қуришда Голдин жаноблари билан бирга катта роль ўйнаётганликларига биз жуда юксак баҳо берамиз.

Сиз Бхилаида икки кун бўлдингиз. Шу кунларда биз сизга мумкин қадар кўпроқ нарсани кўрсатишга ва завод қурилишидаги аҳволни сизга айтиб беришга ҳаракат қилдик. Бизнинг одамларимиз сизни очиқ кўнгил билан кутиб олаётганликларига ўзингиз қаноат ҳосил қилган бўлсангиз керак. Сизнинг мамлакатингиз бизга шунчалик саҳийлик билан бераётган ёрдамдан самарали фойдаланаётганлигимизни кўрган бўлсангиз керак. Сизни ишонтириб шуни айтмоқчиманки, бу ерда сизни кутиб олган сонсиз-саноксиз кишиларнинг ҳаммаси сизнинг сафарингиздан жуда мамнундирлар.

Н. С. Хрушчев. Ишлаб чиқариш процессини жуда яхши ўлаштириб олган ҳамда мартен ва домна печларининг ишлаб чиқариш имкониятларини тўла равишда кўрсатмоқ учун бугун вахтада туриб ишлаётган мартенчи ва домначи ишчиларга менинг саломимни топширишингизни сўрайман. Пўлатни 11 соат ўрнига 8 соат ичида қуйиб тайёрлаб беришга бел боғлаган, юқори сифатли пўлат беришга ва меҳнат унумдорлигини юксак даражада оширишга шай бўлиб турган ишчиларнинг ҳаммасини ҳам табриклаб қўйинг. Собиқ ишчи сифатида ана шу ишчиларнинг ҳаммасига дўстона ишчи саломи йўллашни истайман. Ўзим ишчи бўлганим учун уларни ўртоқлар деб айтмоқчиман. аммо Совет давлатининг вакили бўлганим ва Министрлар Советининг Раиси бўлганим учун мен уларни жаноблар деб айтишим лозим.

(Суҳбатдагилар орасида шодиёна жонланиш).

Манубхай Шаҳ. Сизнинг ҳамма табрикларинг ва саломларингизни Бхилаидаги ишчиларга етказамиз.

Н. С. Хрушчев. Сиздан шу нарсани жуда илтимос қиламанки, ҳамма ишчиларни ва инженерларни табриклаб қўйинг, уларнинг ҳаммасига яхши муваффақиятлар тиланг. Завод яхши ишлаши, ҳамма яхши иш ҳақи олиши, заводдаги меҳнат шароити эса ҳамиша яхшиланиб бориши зарур. Одамлар мана шуларнинг ҳаммасига ўз меҳнатлари билан сазовор бўладилар. Ишчиларнинг ҳохиши нима ва истаги нима эканлиги менга яхши маълум.

Сиз азиз дўстларнинг ҳаммангизга дўстона суҳбат учун чин кўнгилдан ташаккур айтаман. Бу суҳбат менинг учун жуда завқли бўлди. Биз, совет кишилари сизларга миллий саноатни ва экономикани ривожлантиришда янги муваффақиятлар тилаймиз. Бизнинг истагимиз шуки, сизларнинг Бхилаидаги заводингиз битта бўлиб қолмасин, балки мана шунақа заводларингиз кўпроқ бўлсин, дейміз.

Совет жамоатчилигининг қуролсизланиш учун курашга бағишланган конференцияси қабул қилган

ҲУЖЖАТЛАР

ЯЛПИ ВА ТЎЛА ҚУРОЛСИЗЛАНИЛСИН

Совет жамоатчилигининг қуролсизланиш учун курашга бағишланган конференцияси қатнашчилари тинчликсеварликнинг жуда муҳим ҳужжатини — Совет қуролли кучларини учдан бир қисми миқдорида қисқартириш ҳақида СССР Олий Совети қабул қилган Қонунни қизғин ва якдиллик билан маъқуллайдилар. Ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, совет жамиятининг ҳамма табақалари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ташаббуси билан қўйилган ана шу доно ва дадил қадамга юксак баҳо бердилар.

Барча мамлакатларнинг халқ оммаси, прогрессив жамоатчилиги Совет мамлакатининг бошқа ажойиб тадбирларининг муносиб давоми бўлган ва «совуқ уруш»ни тугатишга ҳамда ёппасига ва батамом қуролсизланишдек буюк программани амалга оширишга ёрдам берадиган бу тадбирни табриклайдилар.

Ҳозирги вақтда қуролсизланиш тўғрисида бир битимга келишни енгиллаштириш учун барча мамлакатлар, барча ҳукуматлар, барча парламентлар худди шундай ҳаракат қилишлари лозим эканлигига аминмиз. Уруш хавфини камайтиришга қаратилган бундай дадил қадамлар давлатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш, халқаро кескинликни юмшатиш, уруш хавфи абадий йўқ бўлиб кетадиган пайтнинг келишини яқинлаштириш ишига қўшиладиган ҳиссадир.

Биз, қуролсизланишни истамаётган ва СССР Олий Советининг Совет қуролли кучларини яна анча қисқартириш тўғрисидаги тарихий Қонунининг аҳамиятини камситишга ва бу Қонуннинг моҳиятини бузиб кўрсатишга интилаётган кишиларнинг кирдикорларини қоралаймиз. Армия ва флот миқдорини 1.200.000 кишига камайтириш каби тадбирни бошқаларнинг ерларини босиб олишни кўзда тутмаётган давлатгина амалга ошириши мумкин. Бунинг аксича, у ёки бу ҳукуматнинг армиялар миқдорини қисқартиришни истамаслиги улар урушни ўз сиёсати қуроли деб ҳисоблашдан ҳали ҳам воз кечмаётирлар, деган қонуний хавотирланишни туғдиради.

Умумий тинчликни мустаҳкамлашдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ. Ёппасига, батамом қуролсизланиш ва бу тадбирнинг амалга оширилишини назорат қилиб туриш — мустаҳкам тинчликка эришиш йўлидир. Армияларни ва ҳарбий мақсадлар учун бўладиган харажатларни қисқартириш, ўзгаларнинг территорияларидаги ҳарбий базаларни тугатиш, ядро қуроли синовларини ҳамма жойда ва абадий тўхтатиш — бу тадбирларнинг ҳаммаси барча давлатларнинг батамом қуролсизланиш тўғрисида бир битимга келишларини енгиллаштиради.

Миллионларча солдатлар тинч меҳнатга қайтиб келсин! Миллиард-миллиард долларлар, фунт стерлинглар, франклар, сўмлар, ҳарбий бошқармаларнинг бюджетларидан қурилиш, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш бюджетларига кўчирилсин ва кам тараққий этган мамлакатларга ёрдам бериш учун сарф қилинсин!

Конференция қуролсизланиш масаласи билан шуғулланувчи «ўнлар комитети» Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги резолюциясини бажаради ва уруш олиб боришнинг ҳамма воситаларини тугатиш учун асос вужудга келтирадиган халқаро битимни тайёрлайди, деб умид қилганлигини билдиради.

Биз тарихий жиҳатдан ғоят муҳим вазифани бажариш шарафига муяссар бўлдик. Қуролсизланиш ҳақиқат бўлиб қолишига қаратилган амалий қадамлар кун сайин кўпайиб борсин. Совет Иттифоқининг тинчлик йўлидаги янги ташаббуси дунёнинг ҳамма мамлакатларида катта ва конкрет ишларга асос бўлиб хизмат қилсин. Қуролсизланиш ялпи ва тўла бўлсин!

ЯДРО ҚУРОЛИ СИНОВЛАРИ АБАДИЙ ТАҚИҚЛАНСИН

Биз, совет жамоатчилигининг қуролсизланиш учун курашга бағишланган конференцияси қатнашчилари ҳозирги кунда бутун инсониятни тўлқинлантираётган масалани — ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида бир битимга келиш ҳақидаги масалани муҳокама қилдик.

Совет кишилари, шунингдек барча мамлакатлардаги тинчликсевар кишилар АҚШ, СССР ва Буюк Британия ядро қуролини анча вақтдан буён портлатмай келаётганликларидан мамнуният туйғуларини изҳор қилмоқдалар. Совет ҳукуматининг, агар ғарб давлатлари ядро қуроли синовларини яна бошлаб юборманглари тақдирда, бу синовларни яна бошлаб юбормаяжаги ҳақидаги баёноти бутун дунёга маълум.

Аммо ядро қуролига эга бўлган давлатлар ўртасида ядро қуролининг ҳамма синовларини абадий тақиқлаш тўғрисида шу вақтгача битим тузилмаганлиги яхши ниятдаги барча кишиларни ташвишлантирмоқда. АҚШнинг ядро синовларини яна бошлаб юбориш хавфи туғилганлигини исбот этадиган баёнотлари муносабати билан кейинги вақтларда ана шу ташвиш айниқса кучайди.

Совет Иттифоқининг жамоат донралари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг чақиригига хилоф суратда Франция ҳукуматининг Саҳрони Кабирда атом қуролини синаб кўрганлиги муносабати билан жаҳон жамоатчилиги изҳор қилаётган ҳаққоний қаҳр-газабга қўшиладилар. Франция ҳукуматининг бундай тадбирлари ядро қуроли синовларини тўхтатиш юзасидан битим тузиш ҳақида уч давлат томонидан Женевада 1958 йилдан буён олиб борилаётган музокараларни қийинлаштирмай қололмайди. Бундай тадбирлар қуролсизланишнинг ҳамма душманларига, атом қуроли билан зўр бериб қуролланишнинг ҳамма тарафдорларига кўл келади.

Кўпгина муҳим масалалар юзасидан давлатлар ўртасида ҳозиргидаёқ бамаслаҳат бир фикрга келинди. Бундай битим тузиш учун ҳақиқатан ҳам йўл очилди. АҚШнинг ер остидаги ядро портлатишни аниқ билиб олишнинг гўё иложи йўқ, деган баҳона билан ер остида ядро қуроли синовларини тақиқлашни истамаётганлиги бир битимга келишга халақит бермоқда, ҳолбуки экспертларнинг 1958 йилда Женевада ўтказилган кенгаши ер остида ядро қуроли портлатишларининг ҳаммасини назорат қилишнинг етарли даражада самарали методларини тавсия қилганлиги ҳаммага маълум.

Бошқа мамлакатларнинг жамоатчилиги каби совет жамоатчилигининг ҳам юқорида келтирилган баҳона ядро қуролининг ҳамма синовларини тўхтатиш тўғрисида бир битимга келишдан бош тортиш учун етарли асос бўлади деб ҳисоблай олмайди. Бундай битим имзоланганидан кейин у битим қатнашчилари зиммасига битимга жуда қаттиқ риоя қилиш юзасидан катта жавобгарлик юклайди.

Ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисидаги битим тузилиб, назорат системаси вужудга келтирилганидан кейин бирор давлатнинг ўзини фош қилмай туриб ва бутун дунё халқлари назарида шармандаи шармисор бўлмай туриб, ер остида махфий суратда ядро бомбасини портлатиш мумкин бўлмаса керак. Техника экспертларининг бир қанча кенгашлари ўтказилиши натижасида ҳар қандай портлатишларни аниқлашнинг тўла имконияти борлиги кўрсатилди ва бунинг учун зарур бўлган назорат системасининг асосий хусусиятлари белгиланди. Ҳозирги замон фани техникага оид ҳозиргача ўзаро келишиб олинмаган ҳар қандай муаммоларни бартараф қилиш учун кенг имконият яратиб беради.

Ядро синовларини тўхтатиш тўғрисида мумкин қадар тезроқ халқаро битим тузиш ва экспертларнинг тавсияларига мувофиқ назорат системасини вужудга келтириш — ҳозирги вақтда бирдан-бир тўғри йўлдир. Фан ва техниканинг тобора тез ривожланиши ҳамда ана шу система амалда бўлган вақтда тўпланган амалий тажрибадан фойдаланиш назорат системасини янада такомиллаштириш имконини беради.

Совет жамоатчилиги Женева кенгашида ядро қуроли синовларини ҳамма жойда ва абадий тақиқлаш тўғрисида бир битимга келинади, деб чин кўнгилдан умид қилганлигини билдиради. Бутун дунёдаги тинчликсевар кишилар худди шу нарсани кутмоқдалар. бутун дунё жамоатчилиги худди шу нарсани кутмоқда.

ДУНЁДАГИ БАРЧА ТИНЧЛИКСЕВАР КУЧЛАРГА

Совет жамоатчилигининг қуролсизланиш учун курашга бағишланган конференцияси бутун совет халқининг хоҳиш-иродасини изҳор қилиб, дунёдаги тинчликсевар кишиларга қуйидаги сўзлар билан мурожаат қилади:

Ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги масала бутун инсоният олдида энг муҳим масала бўлиб турипти, чунки ядро қуроли билан янада зўр бериб қуролланиш урушга олиб борадиган йўлдир. Бу уруш инсоният учун ҳалокат бўлур эди. Қуролсизланиш эндиликда орзу бўлибгина қолмай, балки рўй берган хавфли аҳволдан қутилишнинг бирдан-бир оқилона йўлидир. Шу сабабли Н. С. Хрушчевнинг ёппасига, батамом қуролсизланиш ва бу тадбирнинг амалга оширилиши устидан назорат ўрнатиш тўғрисида Совет Иттифоқи номидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига тақдим этган равшан ва реал таклифини жаҳон жамоатчилиги кенг қўллаб-қувватлади. СССР Олий Советининг Совет қуролли кучларини яна 1 миллион 200 минг кишига қисқартириш тўғрисидаги қарори ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисида бир битимга келишни анча енгиллаштира оладиган тадбирлар қўлланиш учун амалий намунадир. Совет жамоатчилиги ғарб давлатларини ана шу тадбирдан намуна олишга чақиради.

Яқинда қуролсизланиш тўғрисида музокаралар бошланади. Аммо бир битимга келиш йўлида ҳали кўп тўсиқлар бор. «Совуқ уруш» тасаввурлари ва қилиқлари ҳали ҳам кўп кишиларнинг ёдидан чиққан эмас. Дунёдаги баъзи доиралар ҳали ҳам зўр бериб қуролланишни давом эттириш тарафдори бўлиб майдонга чиқмоқдалар. Қуролланишдан воз кечишни истамаётган сиёсий арбоблар ва ҳарбийлар ҳам йўқ эмас. Аммо ҳозирги замон ҳарбий техникасини эътиборга олганда, қуролланиш бутун инсоният учун жуда катта хавф туғдиради; ҳар қандай тасодифий ҳаракат жуда катта кулфат туғдириши мумкин.

Қуролсизланиш проблемасини тез ва адолатли ҳал этмоқ учун барча тинчликсевар кучлар, яхши ниятдаги барча кишилар умумий тил топиб, бирга-ликда ҳаракат қилмоқ учун бир-бирларига қўл узатишлари зарур.

Биз Жаҳон Тинчлик Кенгашининг бутун куч-ғайратини ёппасига ва батамом қуролсизланишни амалга оширишга сафарбар қилиш тўғрисидаги чақиригини қизғин қўллаб-қувватлаймиз.

Биз Шарқ билан Ғарбнинг қуролсизланишга бағишлаб, Лондонда ўтказилган ва ўн олти давлатнинг вакиллари қатнашган учрашувда ҳамжиҳатликка эришилганлигини ва ёппасига ҳамда батамом қуролсизланиш идеяси якдиллик билан маъқулланганлигини табриклаймиз.

Биз, Қўшма Штатларда «Ядро соҳасида оқилона сиёсат ўтказиш учун қураш» миллий комитети ва бошқа тинчликсевар ташкилотлар катта иш қилаётганликларини чуқур мамнуният билан қайд қиламиз.

Биз, Англияда «Ядро қуролини тарк қилиш кампанияси» ҳаракатидек олижаноб фаолиятни табриклаймиз.

Биз, тинчлик учун курашувчи Ҳиндистон парламент комитетининг мурожаатини қўллаб-қувватлаймиз ва атом ҳамда водород бомбалари хавфига қарши курашувчи Япония кенгашининг самарали ишларини табриклаймиз.

Биз дунёнинг барча мамлакатларидаги турли сиёсий, пацифистик, диний ташкилотлар ва бошқа ташкилотларнинг уруш хавфига абадий хотима беришга қаратилган ишларига ва шу йўлдаги ҳаракатларга юксак баҳо берамиз.

Биз жавобгарликни сезган ҳолда, барча совет кишилари номидан дунёдаги тинчликсевар кучларга шундай чақириқ билан мурожаат қиламиз:

Куч-ғайратимизни бирлаштирайлик!

Ёппасига, батамом қуролсизланиш ва бу тадбирнинг амалга оширилиши устидан назорат ўрнатиш тўғрисида яқинда олиб бориладиган музокараларнинг муваффақиятли ўтишига ёрдам берайлик!

Бизларни бир-биримиздан ажратиш мумкин бўлган нарсаларга барҳам берайлик!

Йўқолсин қурол-яроғ, деган оддий ва инсонпарвар сўзлар теварагига бирлашайлик!

Яшасин тинчлик!

Н. С. ХРУШЧЕВнинг Бирмада бўлиши

РАНГУН, 16 февраль. (ТАСС). Бирма ҳукуматининг таклифига биноан, расмий визит билан бу ерда меҳмон бўлиб турган СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев бугун Бирма Иттифоқи президенти У Вин Маунг ҳузурига борди. Улар самимий, дўстона вазиятда суҳбатлашдилар.

Шу куниёқ кунниинг иккинчи ярмида Бирма бош министри генерал Не Вин СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев ҳузурига келди. Улар тўла ҳамжиҳатлик вазиятида суҳбатлашдилар.

Шу куни кечқурун Бирма Иттифоқи президенти У Вин Маунг ҳурматли совет меҳмони шарафига банкет ўюштирди.

Бирма Иттифоқининг президенти У Вин Маунг ва СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев бир-бирларининг шарафига қадаҳ кўтардилар.

Бирма Иттифоқининг президенти У Вин Маунг қадаҳ кўтариб, ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар, иқтисодий ҳамкорлик ва маданий алоқалар ҳақида самимий гаплар айтганидан кейин бундай деди:

— Жаноб олийлари, хонимлар ва жаноблар! Мен сизлардан шу қадаҳни кўтариб туриб айтган сўзларимга қўшилишингизни ва ҳурматли меҳмонимиз улуғ Хрушчев жаноб олийларининг сиҳат-саломатлиги учун, жаҳон раҳбарларининг узоқ муддатли ва адолатли тинчликка эришишга қаратилган куч ва ғайратлари муваффақиятли бўлиб чиқиши учун ичишингизни илтимос қиламан. Рус ва Бирма халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик учун, Совет Иттифоқи президенти Ворошилов жаноб олийларининг сиҳат-саломатликлари учун, рус халқининг равнақи ва бахт-саодати учун қадаҳ кўтаришингизни таклиф қиламан.

Н. С. Хрушчев бундай деди:

Ҳурматли президент жаноблари!

Ҳурматли бош министр жаноблари!

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Азиз дўстлар!

Сиз президент жанобларига мамлакатимиз, халқимиз ҳақида ва шахсан менинг тўғримда айтган ҳароратли сўзларингиз учун ташаккур изҳор қиламан.

Бирма пойтахти Рангунда Совет Иттифоқининг вакиллари бўлган бизларга нисбатан шунчалик самимият ва илтифот кўрсатилаётганлиги бундан тўрт йил мукаддам бўлганини каби ҳозир ҳам мени ғоят тўлқинлантирмоқда. Биз буни Бирма халқининг сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш учун, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун олиб бораётган мардона курашига ҳамиша астойдил ҳайрихоҳлик кўрсатиб келган ва кўрсатаётган совет халқига нисбатан изҳор қилинаётган дўстлик деб тўла равишда ҳисоблаймиз.

Азиз дўстлар! Тинчлик учун олиб борилаётган олижаноб курашда совет ва бирма халқлари ҳамжиҳат бўлиб қатнашаётганликлари бизни қувонтиради. Совет Иттифоқи Бирманинг умумий ишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётган тинчликсевар ташқи сиёсатини табриклайди. Қуролсизланиш тўғрисида, атом, водород ва ракета қуролини ишлаб чиқаришни ва бу қурол синовларини тақиқлаш тўғрисида Бирма парламенти томонидан 1957 йилда қабул қилинган резолюция, ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига киритилган совет таклифини Бирма қўллаб-қувватлаганлиги Бирма Иттифоқи ҳозирги замоннинг энг зарур проблемалари ҳал қилинишидан ғоят манфаатдор эканлигини кўрсатади. Аунг Сан васиятларига содиқ бўлиб келаётган азалдан тинчликсевар Бирма бундан буён ҳам тинчлик учун актив кураш олиб борувчиларнинг биринчи сафларида бўлади ва ер юзида абадий тинчликни тантана қилдиришдан иборат олижаноб ишга янги ҳисса қўшади, деб умид билдиришга ижозат бергайсиз.

Бирма халқи ва ҳукуматининг ўз мустақиллигини ва суверенитетини мустаҳкамлаш учун, миллий экономикани юксалтириш учун олиб бораётган курашига Совет Иттифоқи ва унинг ҳукумати катта ҳамжиҳатлик ва хайрихоҳлик ҳислари билан қарамоқда ва ўзининг бирмадик дўстларига бу ишда қардошларча ёрдам ва мадад беришга ҳамиша тайёрдир.

Бизларнинг мамлакатларимиз тинч-тотув яшагани колмасдан, шу билан бирга бир-бирлари яхши дўст бўлиб ҳам яшамоқдалар. Бизнинг бу сафаримиз ҳар иккала мамлакатнинг манфаатлари йўлида, бутун дунёдаги тинчлик ишининг манфаатлари йўлида Совет Иттифоқи билан Бирма Иттифоқи ўртасидаги яхши ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, деб умидвор бўлишга ижозат бергайсиз.

Сизларга бизни самимий, дўстона кутиб олганлигингиз учун ташаккур билдиришга ҳамда мустақил Бирмага чин кўнгилдан бахт-саодат ва равнақ тилашга ижозат бергайсиз.

Сизларнинг қаҳрамон ва меҳнатсевар халқингиз учун, Бирма Иттифоқининг президенти У Вин Маунг учун, Бирма ҳукумати ва унинг бошлиғи Не Вин жаноблари учун, Совет Иттифоқи билан Бирма Иттифоқи ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланиши учун қадаҳ кўтаришни таклиф қиламан. Бутун дунёда тинчлик бўлиши учун!

Банкет дўстона, самимий вазиятда ўтди.

А. И МИКОЯН МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян Кубага ва Норвегияга қилган сафаридан 16 февралда «ИЛ-18» самолётида Москвага қайтиб келди.

А. И. Микоян Куба ҳукуматининг таклифига биноан, Совет Иттифоқининг фан, техника ва маданият соҳасидаги ютуқлари виставкасининг очилиши муносабати билан Гаванага борди. А. И. Микоян Ватанга қайтишда Норвегия ҳукуматининг таклифига биноан, Ослода икки кун меҳмон бўлди.

Внуково аэродромида ўртоқ А. И. Микоянни СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари А. Н. Косигин ва А. Ф. Засядько, СССР министрлари И. Г. Кабанов, Н. С. Патоличев, Давлат комитетларининг раислари К. Д. Петухов, А. Н. Шелепин, СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, Бутуниттифоқ Савдо палатаси президиумининг раиси М. В. Нестеров, СССР Министрлар Советининг, СССР Ташқи ишлар министрлигининг масъул ходимлари, матбуот вакиллари кутиб олдилар.

Аэродромда кутиб олувчилар орасида Норвегиянинг СССРдаги элчиси Оскар Х. Гундерсен ҳам бор эди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛҒОРЛАРИНИНГ XIV ҚУРУЛТОЙИ

1959 қишлоқ хўжалик йилининг якунлари ва 1960 йил учун олинган социалистик мажбуриятларни бажариш тадбирлари

(Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси О. А. АЛИМОВ доклади юзасидан музокаралар)

Н. МАТЖОНОВ нутқидан

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларидан илҳомланган Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари етти йиллик планнинг бажарилишини анча тезлаштиришга қарор қилдилар. Республика чорвадорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб илгари олинган мажбуриятларни қайта кўриб чиқдилар ва гўшт ҳамда сут етиштириш жиҳатидан етти йилликнинг охирига мўлжалланган даражага 1963 йилда эришиш мажбуриятини олдилар. Қорақалпоғистон АССР эса гўшт, сут ва тухум тайёрлаш юзасидан етти йиллик программани 1961 йилда, Самарқанд области гўшт етиштириш юзасидан етти йиллик планни шу йилнинг ўзидаёқ бажариши керак.

Биз олинган мажбуриятларни сўзсиз бажарамиз. Ҳозир колхоз ва совхозларда етти йилликнинг иккинчи йилида чорвачиликни ўстириш юзасидан мўлжалланган планни икки баравар ошириб бажариш учун бутун куч ва ғайрат сарф қилинмоқда. Давлатга 218 минг тонна гўшт сотилади.

Гўшт етиштириш квартал планини 8 февралдаёқ бажарган Тошкент области ва сут сотиш юзасидан биринчи квартал топшириғини муддатидан илгари бажарган Бухоро области мусобақада олдинда бормоқда. Бизда ҳозирнинг ўзидаёқ келгуси йил ҳисобига давлатга гўшт сотаётган айрим хўжаликлар бор. Жумладан, Тошкент областидаги «Гулистон», 2-«Далварзин» совхозлари, Самарқанд область, Пойариқ районидаги Карл Маркс номли ва «Ленинизм», Сурхондарё область, Шаҳрисабз районидаги Карл Маркс номли колхозлар келгуси йил ҳисобига гўшт сотмоқдалар. Республика бўйича 10 февралгача давлатга ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6 баравар кўп гўшт ва икки баравар кўп сут сотилди.

Ҳозир давлатга топшириладиган молларнинг яхши семизликда бўлиши айниқса муҳим. Кўпгина область, район, колхоз ва совхозларда ана шу мақсадда молларни бўрдоқига боқиш пунктлари тузилмоқда. Чинобод районидаги «Ленинград» колхозининг бригада бошлиғи коммунист Олимовнинг ишидан ибрат олса арзийди. Бу бригада яқинда бўрдоқи пунктидан 17 бош қорамол топширди. Бу моллардан ҳар бирининг ўртача тирик вазни 360 килограммдан бўлди. Мол гўштининг ҳар бир килограмми 5 сўм 90 тийинга тушди. Лекин бундай юксак кўрсаткичлар ҳозирча кам учрайди. Чунки кўпгина хўжаликлар молларни яхшилаб семиртиргандан кейин гўштга топширишга эътибор бермаётирлар, шошма-шошарлик билан ориқ молларни ҳам гўштга топшириб юбораётирлар. Бу эса моллар туёғининг камайиб кетишига олиб келиши мумкин.

Ҳали ҳам айрим колхоз ва совхозларда моллардан ҳар йилига насл олмаслик фактлари учраб туради. Бундай аҳволдан кутилиш керак. Бир қатор хўжаликлар молларнинг қисир қолишига мутлақо йўл қўймаётганлиги қувончлидир. Чунончи, Калинин районидаги «Қизил Октябрь» колхозида ҳар бир молдан насл олинди. Бу ана шу колхозда гўшт ва сут етиштиришни анча кўпайтириш имкониятини туғдирди.

Тажриба моллар сонини кўпайтириш кўп жиҳатдан сунъий қочиришни қўлланишга боғлиқ эканлигини кўрсатди. Шаҳрисабз наслчилик станциясида 100 бош сигир сунъий йўл билан қочирилган бўлса, шундан 92 таси бузоқлади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳамма жойда уруғочи молларни сунъий қочиришга эришиш зарур.

Чўчқачилик — чорвачиликнинг муҳим, тез ўсадиган ва кўп маҳсулот берадиган тармоғидир. Афсуски, республикамизда чўчқа гўшти етиштиришга етарли эътибор бермаётган хўжаликлар кўплаб топилади. Ўзбекистонда ҳам ҳар бир бош она чўчқадан 50—60 тадан ва ундан ортиқ чўчқа боласи олган колхоз ва совхозлар бор. Бундай илғор хўжаликларнинг ишидан ибрат олиш зарур.

Чорвачилик учун ем-хашак етиштириш масаласи ғоят муҳимдир. Озуқа базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш Ўзбекистон чорвадорлари олган юксак социалистик мажбуриятларни бажаришнинг ишончли гаровидир. Фермалардаги ва яйловлардаги кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаш масаласи ҳам жуда муҳимдир. Ахир, бизнинг давримизда ҳам яйловлардаги молларни дақиқунусдан қолган усулда, қудуқдан туя билан сув чиқариб суғориш сингари аҳволга қандай тоқат қилиш мумкин. Яйловларни сув билан таъминлашда ҳозирги замон техникасини тезроқ жорий қилиш керак.

Ҳеч шубҳа йўққи, республика чорвадорлари партия ва ҳукуматнинг доимий ёрдамига таяниб бутун қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари билан биргаликда етти йилликнинг иккинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажарадилар. **(Қарсаклар).**

Н. ДОДХУДОЕВ нутқидан

Тожикистон ССР Министрлар Советининг Раиси

Тожикистон ҳукумати ва республикамизнинг барча меҳнаткашлари номидан талантли ўзбек халқига чин қалбдан қизғин салом топширишга ва уни етти йилликнинг биринчи йилида эришган ютуқлари билан табриклашга ҳамда ҳаммангизга Ватанимиз бахт-саодати йўлида меҳнатда янги, яна ҳам ажойиб ютуқларга эришишингизни тилашга ижозат бергайсиз.

Ўтган йил — совет халқи тарихига коммунизм қурилиши йўлида мисли кўрилмаган ғалабалар йили бўлиб кирди. Мамлакатимиз эришган ғоят катта ютуқлар партиямиз, унинг синалган ленинчи ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги Марказий Комитети олиб борган улкан ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг самарасидир. Партия ва унинг ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги Марказий Комитети халқларни энг бахт-саодатли келажак — коммунизм томон ишонч билан оғишмай бошлаб бормоқда.

Мамлакатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўллигини вужудга келтириш учун олиб бораётган курашимиз тарихида КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми алоҳида ўрин тутади. Бу пленумда партия бутун халқ олдида КПСС XXI съезди қарорлари бажарилишининг бориши тўғрисида ҳисоб берди. Партия XXI съезди қарорларини амалга оширишнинг самараларини ўзбек ва тожик халқлари яхши кўриб турибдилар.

Делегациямиз Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Алимовнинг қардош Ўзбекистон меҳнаткашлари ўтган йили қилган ишларнинг якунлари ва бу йилги вазифалари тўғрисида қурултойда қилган докладини зўр эътибор билан тинглади. Биз Ўзбекистон республикаси шонли Коммунистик партия раҳбарлигида, оғамиз улуғ рус халқи ёрдамида гуллаб-яшнаган ўлкага, юксак даражада тараққий этган пахтачилик ва қудратли индустрия ўлкасига айланганлиги билан фахрланамиз. Тошкент, Самарқанд областлари ва Қорақалпоғистон АССРнинг Ленин ордени билан мукофотланганлиги Тожикистон меҳнаткашлари қалбини битмас-туганмас шодлик туйғулари билан тўлдирди. Биз ўзбек халқининг бундан буён ҳам коммунизм қурувчиларнинг олдинги сафларида боришига аминмиз.

Тожикистон Компартия с и н и н г яқинда бўлиб ўтган съезди республикамиз партия ташкилотининг кейинги икки йиллик ишига якун ясади. Биз етти йилликнинг биринчи йилида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажардик, пахта етиштириш юзасидан олган мажбуриятимиз ҳам бажарилди. Бу ютуқлар Ватанимиздаги ҳамма халқлар ўртасидаги мустаҳкам дўстликнинг, бир-бирларга техника, тажрибалари билан, дўстона маслаҳатлари ва яхши ишлари билан кўрсатаётган ёрдамларининг натижасидир. Мирзачўлдаги ҳосилдор ерлардан 50 минг гектарини Тожикистонга топширганингиз бу дўстликнинг янги ифодаси бўлди. Бу тарихий воқеада ленинча пролетар интернационализми ғояларининг акс этганини кўрамиз. Ўзбекистон меҳнаткашларига бу олижаноб ҳадя учун яна бир марта ташаккур айтишга ва тожик халқи Мирзачўлни гуллаб-яшнаб турган водига айлантириш учун бор кучини сарфлайди, деб сизларни ишонтиришга ижозат бергайсиз.

Мамлакатимиз етти йилликнинг иккинчи йилига қадам қўйди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг бу йилги топшириқларини бажариш учун курашда Ўрта Осиё республикалари ўртасидаги, хусусан Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги традицион социалистик мусобақа катта роль ўйнайди. Партия ва ҳукумат топшириқларининг бажарилиши юзасидан ўтган йили ўтказилган ўзаро текшириш ғоят катта фойда келтирди. Ўзаро текшириш вақтида ўзбек пахтакорлари берган дўстона маслаҳатлар камчилик, нуқсонларни ўз вақтида тугатишга ёрдам берди, бизни янгидан-янги муваффақиятларга руҳлантирди. Ана шу қардошлик ёрдами учун Тожикистон Компартияси Марказий Комитети, республикамиз Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан Ўзбекистон меҳнаткашларига чин қалбдан ташаккур айтишга ижозат бергайсиз.

Республикалар ўртасидаги мусобақа аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқаришда Америка Қўшма Штатларига етиб олиш ва ўзиб кетиш юзасидан партиямиз қўйган вазифани қисқа муддат ичида бажаришга ёрдам бермоғи керак. Биз биргаликда ғайрат кўрсатиб пахтачиликнигина эмас, балки чорвачиликни, боғдорчиликни, узумчиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳам кескин юксалтиришимиз лозим. Биз биргаликда куч ва ғайрат сарфлаб йўлимизда учрайдиган барча ғовларни ва камчиликларни йўқотишимиз керак.

Тожикистон колхоз ва совхозларининг меҳнаткашлари бу йил Ватанга 480 минг тонна пахта етказиб бериш, гўшт, сут, тухум, ҳўл мева, узум, картошка ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни анча кўпайтириш мажбуриятини олдилар. Бу мажбуриятлар мамлакатимиздаги барча халқлар ва шу жумладан ўзбек халқи ёрдамида шак-шубҳасиз бажарилади. **(Қарсаклар).**

И. КАРИМОВ нутқидан

Сирдарё район партия комитетининг биринчи секретари

Етти йилликнинг биринчи йили Сирдарё район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари учун ҳам катта ютуқлар йили бўлди. Пахтакорлар давлатга пахта сотиш планини анча ошириб бажардилар. Аввалги йилга нисбатан 14 минг тонна кўп пахта сотилди. Ҳосилдорлик гектарига ўрта ҳисобда 4,2 центнер кўтарилди.

Пахта тайёрлаш планининг муваффақиятли бажарилиши — илғор агротехниканы кенг қўлланиш, пахтачиликда комплекс механизацияни жорий қилиш ва меҳнатни тўғри ташкил этишнинг натижасидир. Кўпгина бригадаларда ўзаа кетмон ишлатмасдан парвариш қилинди. Кетмон ораламаган шундай участкаларда гектаридан 35-40 центнердан ва ундан ҳам зиёд ҳосил олинди. Бир центнер пахта етиштиришга 3—4 киши куни сарфланди.

«Малик» совхозининг иш тажрибалари айниқса ибратлидир. Бу ерда 3 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 31 центнердан ёки ўтган йилдагидан 8,6 центнердан ортиқ ҳосил олинди. Совхозда бутун ҳосилнинг 75 процента машинада териб олинди. Ўзбекистондаги бирорта хўжалик бундай кўрсаткичга ҳеч қачон эришмаган эди. Совхоз пахтакорлари районда энг арзон пахта етиштирдилар.

Биз бу йил ўтган йилги ютуқларни мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилмоқдамиз. Пахтакорлар юқори ҳосил етиштириш учун тайёрликни кучайтириб чигит экиладиган ерларни ўз вақтида тайёрлаб қўйдилар, техникани ремонт қилиш тугалланмоқда, экиш агрегатларининг экипажларини тўлдириш ҳам тугай деб қолди. Биз ўтган йилги иш тажрибамизга асосланиб, бу йил деярли ҳамма ерга чигитни квадрат-уялаб экамиз.

Пахтакорлар қишда ҳам ишни бўшаштирмай зўр бериб меҳнат қилдилар. 34 минг тонна маҳаллий ўғит тайёрланди, ерга яхоб бериш, шўр ювиш ишлари давом эттирилмоқда. Трактор-далачилик бригадаларида иш айниқса яхши бормоқда.

Колхозларда меҳнатни янгича ташкил қилишга кўчиш—трактор-далачилик бригадалари тузиш иши асосан тамомланди. Тажриба бундай бригадалар ҳозирги шароитларда пахтачиликни комплекс механизациялаш талабларига тўлароқ жавоб беришини кўрсатди. Трактор-далачилик бригадаларининг ихтиёрига 100 — 150 гектар ва ундан ҳам ортиқроқ ер, зарур техника ва малакали кадрлар ажратиб берилмоқда. Бултур кўпгина комплекс механизация бригадаларида гектаридан 35—40 центнердан ҳосил олинди, 1 центнер маҳсулот етиштириш учун 90—100 сўм сарф қилинди. Барча хўжаликларда бирданига шундай кўрсаткичларга эришиш қийин, албатта. Лекин биз пахтакорларнинг вътиборини бу йил айрим бригадалардагина эмас, балки кўпчилик бригадаларда ва бутун-бутун хўжаликларда бир центнер пахта етиштиришга кўп деганда 120 сўмдан ортиқ маблағ сарф қилмасликка қаратмоқдамиз.

Районимиздаги кўпгина хўжаликлар етти йилликнинг иккинчи йилида ҳосилнинг 50 — 60 процентини машинада териб олишга аҳд қилдилар. «Малик» совхози йиғим-терим ишларини 80 процент механизациялаштиради. Райондаги бутун пахта ҳосилининг қарийб 40 процента ёки 1958 йилдагига нисбатан икки баравар кўп қисми машиналар билан териб олинади.

Районимиз пахтакорлари мўл ҳосил усталари — Тошкент область Янгийўл райони ва Андижон область Ленин райони пахтакорлари билан мусобақадошдирлар. Ўзаро тажриба алмашиш, камчиликларни ўртоқларча танқид қилиш умумий ишимизга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам биз бу йил традицион социалистик мусобақани давом эттирамиз. **(Қарсаклар).**

Т. КОМИЛОВ нутқидан

Ленин район партия комитетининг биринчи секретари

Районимиз колхозлари пахтадан йилдан-йил юқори ҳосил олмоқдалар. Мисол учун ўтган йили гектаридан ўрта ҳисобда 32,8 центнердан ҳосил олдик. Ленин район колхозлари давлатга 37 минг тоннадан ортиқроқ биринчи сорт пахта етказиб бердилар. Районда пахта етиштиришни кўпайтириш учун ҳали фойдаланилмаган кўпгина резервлар бор. Илғор бригада ва колхозларнинг тажрибаси бизнинг ерларимизда гектаридан ўртача 40 центнердан ҳосил олиш мумкинлигини тасдиқлайди.

Пахтакорлар фидокорона меҳнат қилаётганликлари тўғрисида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ўтган йили Карл Маркс номли колхознинг республикада машҳур механизатор Маннон Жалолов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси янги ютуқларга эришди. Бу бригада 1 центнер пахта етиштиришга атиги 3 киши куни сарф қилиб гектаридан ўртача 40 центнердан ҳосил олди. Серго номли, Ленин номли колхозларнинг кўпгина комплекс механизация бригадалари ҳам яхши натижаларга эришдилар. Уларда ҳам юқори, ҳам арзон ҳосил етиштирилди. Районда ғўза парвариши ва пахта йиғим-терими даврида машиналардан кенг фойдаланиш туфайли 6 мингдан кўпроқ меҳнат куни тежалди.

Район колхозлари 1958 йилда бир центнер пахта етиштиришга 7,5 меҳнат куни сарфладилар, ўтган йили эса бу харажатлар қарийб икки баравар камайтирилди. Бир центнер пахта 148 сўмга тушди. Бу ундан аввалги ҳамма йиллардагидан энг арзондир. Меҳнат харажатларини қисқартирилган ҳолда пахтадан юқори ҳосил етиштиришни меҳнат кунининг қадри-қимматини ҳ а м оширди. Район бўйича ўрта ҳисобда бир меҳнат кунига фақат пул билан 15 сўмдан тақсимланди.

Район колхозлари етти йилликнинг иккинчи йилида ҳосилдорликни ошириш, пахтанинг таннархини арзонлаштириш йўлида янги қадам қўядилар. Биз гектаридан камида 33 центнердан ҳосил олинишини мўлжалламоқдамиз. Бутун майдондаги ғўза машиналар билан икки томонлама парвариш қилинади. Колхозларда 70 та комплекс механизация бригадаси тузилди, бу бригадалар пахта майдонларининг кўпчилик қисмини эгаллайди.

Районимиз шароитида пахтачиликни комплекс механизациялаш билан бир қаторда ғўза касалликларини йўқотиш ҳосилдорликни оширишнинг муҳим резервидир. Чунончи, вильт касаллиги ҳосилга катта зарар етказади. Биз республикадаги қишлоқ хўжалик мутахассисларидан, олимлардан ғўза касалликларига ва зараркунандаликларига қарши курашишда ёрдам кўрсатишларини сўраймиз.

Районимиз колхозлари Сирдарё район пахтакорларининг мусобақага чақиришини қабул қилади. Биз 1960 йил қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришда янги ютуқларни қўлга киритиш, колхозларни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва колхозчиларнинг фаровонлигини ошириш йили бўлишига аминмиз. **(Қарсаклар).**

А. Қ. ОРУДЖЕВ нутқидан

Озарбайжон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети ва Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг топшириғига мувофиқ қурултой қатнашчиларига, бутун қардош ўзбек халқига қизғин салом топширишга ижозат бергайсиз. Озарбайжон меҳнаткашлари пахтачилик соҳасида ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида сиз эришган катта ютуқлардан жуда хурсанддирлар.

Ўзбекистон пахтакорлари етти йилликнинг биринчи йилида олган социалистик мажбуриятларини бажарибгина қолмай, балки анча ошириб бажардилар.

Бу, далада қилинган фидокорона меҳнатнинг, республика партия ва совет органлари олиб борган ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларнинг самарасидир. Озарбайжон пахтакорлари сизнинг тажрибангиздан ва маҳоратингиздан намуна олмоқдалар. Қардош республикаларимиз ўртасидаги традицион мусобақа бу соҳада бизга ёрдам беради.

Мен сизларга Озарбайжон деҳқонлари қилган ишларнинг якунлари тўғрисида қисқача сўзлаб бермоқчиман. Бизнинг республикамиз ҳам давлатга тамаки, чой барги, пилла, узум, ҳўл мева, сабзавот, сут, гўшт, жун сотиш планларини муддатидан илгари бажарди. 1959 йилда об-ҳаво шароити пахтачилик учун ноқулай келганига қарамай, республика колхоз ва совхозлари давлатга 1958 йилдагидан 30 минг тонна кўп пахта сотдилар.

Бироқ биз резерв ва имкониятлардан кўнгилдагидек фойдалана олмадик. Озарбайжон колхозчилари ва совхоз ишчилари ўзларининг реал имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, узум етиштириш бўйича етти йиллик топшириқни беш йилда, пилла, сабзавот, чой барги етиштириш планини тўрт йилда, тамаки етиштириш планини уч йилда бажариш мажбуриятини олдилар. 1960 йилда 1959 йилдагига қараганда 41 процент кўп пахта, 20 процент кўп ғалла, 10 процент кўп чой барги, уч баравар кўп сабзавот, 3,5 баравар кўп ҳўл мева, 35 процент кўп узум, 30 процент кўп гўшт, 33 процент кўп сут, 42 процент кўп тухум етиштирилади.

Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларидан илҳомланиб ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш ва 1960 йилни пахтачилик, чорвачилик ва хўжаликнинг бошқа тармоқларини кескин юксалтиришда бурилиш йилига айлантириш учун ўзларининг бутун куч ва билимларини сарф қиладидар.

Озарбайжон пахтакорлари 1960 йилда ҳам Ўзбекистоннинг юқори ҳосил усталари билан социалистик мусобақани давом эттиришга қарор бердилар. Биз бир-биримизга доимо биродарлик ёрдамини кўрсатиб келаётирмиз. Масалан, ўтган йилнинг охирида бир группа Озарбайжон ирригаторлари Ўзбекистонга келиб янги ерларни ўзлаштириш соҳасида катта иш қилаётган лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотларининг тажрибасини ўрганди. Яқинда Тошкентда Озарбайжон адабиёти ҳафталиги ўтказилди. Бундай мисоллар кўп.

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети ва республикамиз ҳукумати менга пахтакорлар қурултойи минбаридан, кўрсатаётган социалистик ёрдами учун қардош ўзбек халқига катта раҳмат айтишни топширдилар.

Озарбайжон халқи Озарбайжон Коммунистик партиясининг ва Совет ҳокимияти ўрнатилганининг 40 йиллигини тантанали суратда нишонлайдиган шодиёна кунлар яқинлашмоқда. Менга Озарбайжон халқининг катта тантаналарида қатнашиш учун Бокуга вакиллар юборишга Ўзбекистон раҳбарларига таклифнома бериш топширилган.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига етти йилликнинг иккинчи йилида олинган катта мажбуриятларни бажаришда муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

А. АЗИМОВ нутқидан

Самарқанд область ижроия комитетининг раиси

Самарқанд область қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг меҳнат ва сиёсий кўтаринкилиги янада ошиб кетди. Бу, КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорлари, шунингдек ҳаммамиз учун қувончли воқеа — областимизнинг Ленин ордени билан мукофотланиши туфайли юз берди. Колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ғамхўрликларига янги меҳнат зафарлари билан жавоб қайтармоқдалар.

Етти йилликнинг биринчи йилида анчагина иш қилинди. Биз 1960 йил қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришда янги ютуқларни қўлга киритиш, колхозларни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва колхозчиларнинг фаровонлигини ошириш йили бўлишига аминмиз. **(Қарсаклар).**

З. ҚУРЁЗОВА нутқидан

Қўшработ районидаги Ленин номли колхоз сут соғувчиси

Колхозимиз — йирик пахтакор хўжалик. Биз пахта етиштиришни йилдан-йилга кўпайтирмоқдамиз. Биз бу соҳада ўз ишининг устаси, тажрибали кишиларга эгамиз. Колхоз чорвачилик билан ҳам кўпдан буён шуғулланиб келади. Лекин хўжаликнинг бу соҳаси узоқ вақт иккинчи даражали соҳа ҳисобланиб келди. Биз сут, гўштни ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини кам олардик. Одатда, бунга сабаб қилиб пахтакор хўжаликларда чорвачиликни ривожлантириш учун шароит йўқ дейишарди. Лекин турмуш бундай даъволарни рад қилди. Эндиликда колхозимиз чорвачилик соҳасида ҳам илғор хўжалик бўлиб қолди.

Мен фермада 1956 йилдан буён ишлайман. Бунга қадар пахтачилик бригадасида ишлар эдим. Менга 12 бош сигир биркитиб қўйилган. Мен бу сигирларни астойдил парвариш қилиб, ҳаммасидан бузоқ олдим. Дастлабки йилларда сигирларни согишдан ташқари бузоқларни ҳам ўзим боқдим. Албатта бу қийин бўлди. Лекин мен кўп тажриба тўпладим. Тўғри, дастлабки йилда сигирлардан унчалик кўп сут согиб ололмадим— бори-йўғи 1300 литрдан сут олдим. Аммо бу кўрсаткич аввалги йилдагига нисбатан анча кўп эди.

Фермада ишлаш учун мен билан бирга пахтачилик бригадасидан бошқа хотин-қизлар ҳам келишган эди. Биз янги ишни ўрганиб, тажриба орттиргач, яхши ишлайдиган бўлиб қолдик. 1957 йилда ўзимга биркитилган ҳар бир сигирдан 2900 литрдан, 1958 йили 3600 литрдан, 1959 йилда эса 4230 литрдан сут соғиб олдим. Бундай юксак кўрсаткичга эришишда фақат менингина эмас, бошқаларнинг ҳам ҳиссаси бор. Молни қанча яхши боққанинг билан агар яхши озуқа базаси бўлмаса, кўп сут соғиб олиш қийин. Колхозимизда озуқа базаси тўғрисида ғамхўрлик қилингандан кейингина чорвачилик тез ривожлана бошлади. Бизда ем-ҳашак бўладиган асосий экин беда ҳисобланади. Биз бедапоялари қайта тиклаб, анча кенгайтирдик. Бу эса фақат чорвачиликни эмас, балки пахтачиликни ривожлантиришга ҳам ёрдам берди. Ахир, эски бедапоялар бузиб чигит экилса, мўл пахта ҳосили олинади-да. Шундай қилиб сут ҳам кўпайди, пахта ҳам.

Кейинги йилларда маккажўхорига катта эътибор берилмоқда. Биз маккажўхори ем-хашак бўладиган энг яхши экин эканлигига қаноат ҳосил қилдик. Колхозда етарли миқдорда силос бостирилади, кўпроқ маккажўхори кўк поясидан силос бостирилади. Шунингдек сигирларга лавлаги ва концентрат берилади. Сигирларни тўқ боқиш, яхши парвариш қилиш сут соғиб олишнинг тобора кўпайишини таъминлади. Мен етти йилликнинг иккинчи йилида ҳар бир сигирдан 6000 килограммдан сут соғиб олиш ёки колхозимизда 1965 йилга мўлжалланган даражага етиб олишга сўз бердим.

Мен Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз сут соғувчиси Зуҳра Комиловани мусобақага чақираман.

Шу билан бирга республикамиздаги сут соғувчиларни ўз билимлари ва маҳоратларини бу йил республика бўйича сут етиштиришни камида икки баравар кўпайтиришга сарфлашга чақираман. **(Қарсаклар).**

З. КОМИЛОВА нутқидан

Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхознинг сут соғувчиси

Мен раҳбарлик қилаётган бригадага бултур коммунистик меҳнат бригадаси деган фахрий ном берилди. Биз ҳаммамиз аҳил бўлиб, иттифоқ бўлиб янги ютуқларга эришмоқдамиз. Бригадамизда 6 қиз бор. Улар ёш бўлишларига қарамай, тажрибали сут соғувчилардир. Улар илғор тажрибаларни, ҳамма янгиликларни ҳавас билан ўрганиб астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Бригадага 100 бош сигир биркитилган. Биз бултур ҳар бир сигирдан 4500 литрдан сут соғиб олдик, мажбуриятимизни анча ошириб бажардик. Менинг ўзим бригадага раҳбарлик қилишдан ташқари 18 бош сигирни соғаман. Ҳар бир сигирдан ўтган йили 5300 литрдан, пландаги 72 минг литр ўрнига 100 минг литрга яқин сут соғиб олдим.

Фақат ўз бригадамизнинг иши тўғрисидагина эмас, балки Ленин номли колхоз чорвадорларининг иши тўғрисида ҳам сўзлаб бермоқчиман. Хўжаликда сутчилик етакчи соҳа ҳисобланади. Колхозимиз сут соғиб олиш жиҳатидан Тошкент областида ва Ўзбекистонда олдинги ўринлардан бирини эгаллади. Масалан, ўтган йили ҳар бир сигирдан пландаги 3300 литр ўрнига 4200 литрдан сут соғиб олинди. Ҳайдаладиган ҳар юз гектар ер ҳисобига биз 860 центнердан сут ва 140 центнердан гўшт етиштирдик. Колхоз чорвадорлари 1960 йилда ҳар бир сигирдан 4500 литрдан сут соғиб олишга қарор қилдилар.

Мен маккажўхорининг аҳамияти тўғрисида гапирмоқчиман. Кейинги йилларда республикамизда кўплаб маккажўхори экилмоқда. Чорвадорлар маккажўхори кўп бўлса сут, гўшт ва ёғ кўп бўлишини яхши биладилар. Ўртоқ Н. С. Хрушчев колхоз ва совхозларга бу қимматли экинни кўпроқ экиш, маккажўхори ҳосилдорлигини ошириш тўғрисида жуда яхши маслаҳатлар бераяпти.

Мен Қўшқўпир районидаги Ленин номли колхознинг сут соғувчиси З. Курёзованинг чақиришини қабул қиламан. Мен ҳам ҳар бир сигирдан йилига 6 минг килограммдан сут соғиб олиш мажбуриятини оламан. Ҳозир бригадага 120 бош сигир биркитиб қўйилган. Бригадамиз ҳар бир сигирдан ўрта ҳисобда 5000 литрдан сут соғиш мажбуриятини олди. Биз албатта сўзимизнинг устидан чиқамиз. **(Қарсаклар).**

Редактор И. РАҲИМОВ.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 01587. Нашр. А. — № 41.